

Шаҳодат Исахонова

БИБИХОНИМ

(ТАРИХИЙ ДРАМА)

Биринчи кўриниш

Бошловчи - Бибихоним милодий 1341–1346 йиллар Мовароуннахр (Чигатоёй улуси) тахтига ўтириб, тўрт йил ҳукмронлик қилган йигирма иккинчи хон жўжинажот шаҳзода Султон Қозонхон Ясавурхон ўғлоннинг кизи – Сароймулкхоним ўтган йили кузда пайғамбар ёшига тўлган бўлса-да, ҳали қариликка бўй бермаган эди. .

... Оқсулотдан йўлга тушган кўшиннинг дастлабки қисми Сирдарё чўлларига етгач, беклар ва Бибихонимнинг хавотири тўғри чиқа бошлади. Қиш эрта тушганлигидан кунлар ниҳоятда совуқ ва изғиринли эди. Қор кунора, баъзан ҳафталаб тинмай ёғар, чошгоҳларда кўриниб, пешиндаёқ булутларни паналайдиган куёш тобора қалинлашиб, муз ҳосил қилаётган қор уюрларини эрита олмасди. Бу йил қор устма-уст ва кўп ёққанлиги туфайли ер музлаган, устки қисмидаги қорнинг қалинлиги отларнинг қорнигача келарди.

Соҳибқирон соғлиғи оғирлашди, кечга бориб иситма яна хуруж қилди. Соҳибқирон то бугунга қадар ўлим ҳақида бот-бот ўйлаган бўлса-да, уни бу қадар тез, йўқ, тез эмас (улуғ Амир ўзининг ёшини доимо мамнунлик билан ҳисоб этарди), балки фавқулудда юз беришини тасаввурига келтирмаган эди. Оғир яраланган ёки бетоб пайтлари кўп бўлган. Лекин ҳеч қачон ўлимни бугунгидай аниқ ва яқин, ҳатто совуқ нафасигача туймаган эди.

(Хона ичиним қоронғи. Бибихоним хонанинг бир бурчида, жойнамозга мук тушганича, худди қотирилган ҳайкал каби бир нуқтага тикилиб ўтирар, фақатгина тасбеҳ ўгираётган ўнг қўлининг билинар-билинемас ҳаракатидан тиловат қилмоқда. Бибихонимнинг оёқ товуши уни хушёр этади ва шошиб ўрнидан туради)

Сулув бика – Ассалому алайкум, бибим, яхши келдингизму! Марҳамат, бибим, ҳар нарса муҳайё!

(Бибихоним ноз-неъматлар билан безатилган хонтахтанинг тўрига ўтаркан, атрофга аланглади).

Бибихоним – Маликалар етиб келишмабдимиз?

Сулув бика – Улар анча муддат кутуб ўлтурдилар. Сўнг «бемахал безовта этмайлуқ», деб тарқалдилар. Шаҳзода Улуғбек Мирзо бирлан келинчаклари Оғо Бегим «Бибим ҳазрати олиялари келганлари замон чорланг», деб тайинладилар.

(Улуғбек Мирзо билан келинчаги кириб келади)

Бибихоним – Омонмисиз, Улуғим. Аввал ўлтуринг, қанотларим...

Оғо Бегимнинг – Бибижон сизнинг аҳволи руҳиятингиздин ташвишимиз ортиб, кўнглумиз ғамга тўлмоқдадур...

Бибихоним – Улуғжон, шаҳзодам... Менинг сиздан ўзга яқин сирдошим йўқдур, бунга яхши билурсиз. Шулар боис, гумонларимни сизга айтмасам бўлмас. Аввало, Яратган бизни ноумид қилмасун...– Лек... Инсон зоти борки, ҳар кунга ўлимни уч бора ёдга олмоғи керак эркан. Чунки дунёдаги ягона ҳақиқат бу – ўлимдур ва бул ҳақиқатни ҳеч ким, ҳеч қачон ва ҳеч қандай далил, исбот бирлан инкор этолмайду. У ёшнингда, қаринингда, барчамизнинг бошимизда бор. Улуғим... Сиз эркаксиз... Шулар боис, сизга очигини сўйламоғим даркор! Сиз шаҳзодасиз, шаҳзодалар учун ўз ғамлари, ўз қайғулари йўқдур! Улар элнинг, юртнинг эгаларидурлар. Шулар боис, Ватаннинг, юртнинг ғам-ташвиши, бахт-иқболи уларникидур, яъни, сизникидур. Бунга унутманг, шаҳзодам!

Улуғбек Мирзо – Ҳазрат бобомиз саломат эрдилар-ку?! Ҳеч бир умид йўқму?

Бибихоним – Ноумид шайтондур, Улуғим! Оллоҳдин умидимиз бор... Лек, сўйлаганим киби, айна дамларда хушёр турмоғимиз шарт. Сўзларим кулоғингизда турсун, Улуғим, бобонгизга муносиб бўлунг!

Улуғбек Мирзо – Иншооллоҳ, бибим, сизга муносиб бўлмоққа сўз берурмен!

Бибихоним – Илоҳи, омин...

Сулув бика – Ҳазрати олиялари, руҳсат этсангиз, Шайх Нуриддинбек кирмакка изн сўраб турурлар!

Бибихоним-Кирсинлар.

(Шайх Нуриддиннинг авзойи бир алпозда, кўз қарашидан талвасага тушиб қолган одамга ўхшаб киради).

Бибихоним – Тинчликму, амир?!

Шайх Нуриддин – Улуғ Амиримизнинг... аҳволи руҳиятлари анча ташвишли.

Бибихоним – Астағфируллоҳ! Яхши ният қилинг, Амир! Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар «омин» дейишади!

Шайх Нуриддин – Сиз оқила аёлсиз, ҳазрати олиялари! Ёмон ниятим бўлса, ўзимга урсун! Бироқ вазиятни ҳисобга олиб, валиаҳд масаласини ҳал этмоқ керакму, деб тахмин қилаётирмен. Худо кўрсатмасун, бир кори ҳол рўй берса, бир ғамимиз минг бўлур...

Бибихоним – Элдин бурун хулоса чиқарманг, амир! Оллоҳ билгучидур...

Шайх Нуриддин – Мени афв этинг, ҳазрати олиялари!

Бибихоним – Англадим, амир!

Табиб (ховлиқиб киради) – Бибим... Соҳибқирон Қуръони каримни келтиришни ва Улуғбек Мирзо бирлан Иброҳим Султон Мирзоларни ёнига чорлади.

Бибихоним- Амир сиз уларни тезда топиб келинг. Мен Соҳибқирон олдида бўламан.

(Ваҳимали мусиқа остида сахна ортидан аёл кишининг “Доод!” солган овози эшитилади ва чироқ аста-секин ўчади)

Иккинчи кўриниш

(Халил Султон чодир. Хитойи баркут тўшаклар солинган тахтравонли ётоқнинг юмшоқ паркү болишларига ботган кўйи чоғир хўплаганича, севгилисининг хонишларини тинглаётган шаҳзода Халил Султон Мирзо ётибди. Бирдан эшик тақиллайди)

Халил Султон - Бемаҳалда ким келиши мумкин? Тинчликмикин? Кимсен?

Ҳизр қавчин- Менман тақсир.

Халил Султон (ҳаяжонли) – Хуш кўрдик, бек, тинчликми? Ҳазрати бобомиз соҳибқирони аъзам, бибимиз, оғаниларимиз омонму?

Ҳизр қавчин – Иншооллоҳ, шаҳзодам. Ҳазрати олиялари Бибихонимдан мактуб келтирдим...

Халил Султон – Бобом ҳазрати олийлари соғ-саломатмилар?

Ҳизр қавчин – Алҳамдулиллоҳ, шаҳзодам!

Халил Султон - (мактубни очиб) - «Кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, шаҳзодам! Ҳазрати бобонгиз сиз бирлан кўришмоқ истагидадурлар. Мактуб етган замоно қошига учиб келмоқни тилаб турарлар. Пешонангиздин ўпиб, Бибингиз». (Ҳизрга) Саволимга жавоб бермадингиз, бек, ҳазрати соҳибқирон омонмилар?

Ҳизр қавчин – Мен ҳеч нарсадан беҳабармен, шаҳзодам. Бироқ... Ҳазрати олиялари бибингизнинг ташвишли нигоҳларидин, овозларидин улуғ бобонгизнинг бир оз тоблари қочганини фаҳм этдим... Яна Оллоҳ билгучидир!

Халил Султон – Бугун яхшилаб дам олинг, бек! Тонгла баҳузур суҳбат қурурмиз.

Шод Мулк (Халил Султоннинг қўлидаги мактубни олиб) – Яна ўлимму?

Шод Мулк (шаҳзоданинг кафтларини олиб, ич кўйлаги устидан корнига теккизади) – Ё тангрим! Мана бул норасидада, ҳали дунё юзини кўрмаган бул гўдакда не гуноҳ? Ўз бобоси ҳам бу қадар бераҳм бўлурми? Ё тангрим...

Халил Султон(сочларини силаб, юпатиб) – Бонум... тинчланинг! Бобом... Ҳазрати соҳибқирон бобомиз Дорулбақода...

Шод Мулк – Мактубда ўлимдин хабар йўқ-ку, шаҳзодам?!

Халил Султон – Шотурпари бирлан Хизр қавчиннинг ўзи келмишки, бу ерда бир гап бор. Хизр қавчиннинг сўзларидин ва аҳволи руҳиятидин ҳақиқатни илғадим. Элу улус, қолаверса, шаҳзодалар, ҳатто амиру беклар орасинда парокандалик туғилмаслиғи важҳидин, балки сир тугмоққликни ихтиёр этмишлар. Бибимни билурсиз, ҳар нарсени тарозуға солур. Амиру бекларни тонгла машваратға чорлай, зудлик билан сафарга отланмоқ даркор!

Шод Мулк (кўлларида ушлаб, ёнига чорлаб) – Ўтиринг, шаҳзодам. Ўзингизни кўлга олинг, шаҳзодам! Вақт боринда этакни ёпмоқ керак. Йўқса, тожу тахт талошинда ё четга чиқурсиз ёхуд махв этурлар! Менинг фикри ожизимча Машваратни қолдиригиз. Тонгла ўрдунгиздаги барча кўшинни олиб Самарқанд сори отланурмиз! Ота-она ўлмоғи – мерос. Бироқ бу ўлим ўзгача... Шулар боис, ўзингизни тутиб, ҳар бир қадамнингизни ўлчаб босмоғингиз, ҳар бир ҳаракатингизни ўйлаб қилмоғингиз лозим. Соҳибқироннинг ўлими хусусинда ҳеч кимсага бир сўз сўйламанг. Хабар келтурғон шотурпарни бирлан Хизр қавчинни бекларга қўшманг. Ҳозир улар қаердалар?

Халил Султон – Истироҳат этмоқларини буюрдим.

Шод Мулк – Оғзилари маҳкамму?

Халил Султон – Шотурпарни, менимча, ҳеч нарсани хабарсиз...

Шод Мулк – Ишонманг! Саройдаги тик этган товуш ҳаммадан бурун шотурпарига етадур. Фақат ўзини қар ва кўрга соладур. Хизр қавчиннинг сўзлари ҳеч нарсани англамадимиз?

Халил Султон – Хизр қавчин менга сир бермади...

Шод Мулк – Унда кўп яхши, шаҳзодам. Сафар тадоригини кўрунг. Амакингиз Шоҳруҳ Мирзо бирлан падари бузрукворингиз, иниларингиз ва амакиваччаларингиз боргунларига қадар сиз Самарқанд қалитларини кўлга олиб, тахтга ўлтиурсиз, иншооллох. Зеро, бобонгиз истаклари ҳам шулар эрди, янглишмасам... Фақат мен сабаб бўлиб, ораларингиз бузилди. Лекин энди бунинг аҳамияти йўқ...

Халил Султон – Бобом ҳазратлари бир тўхтамга келганлари йўқ эрди. Лек амирлариға, беклариға мен бирлан Пир Муҳаммад Мирзони сўйлағанларидин хабарим бор.

Шод Мулк - Пир Муҳаммад Мирзони? Қай бирларини? Бизни ўз химоясига олган амакиваччангиз Пир Муҳаммад Кобулийму?

Халил Султон – Пир Муҳаммад Кобулий нафақат амакиваччам, балки она бир оғам ҳамдур!

Шод Мулк – Йўғ-ей?! Нечун бул борада менга очиқ сўйламадингиз? Демак, волидангиз...

Халил Султон – Оила шажараси, айниқса, аёллар бирлан боғлиқ шажаралар бирламчи эрмас, муҳими биз, улуг Амир Темури авлодларимиз!(эшик оғага) Хизр қавчинни чорланг.

(ички монолог) ...Чиндан ҳам булар ўлим ўзгача... Булар ўлим менинг бутун ҳаёт-мамотини ҳал қилиши мумкин. Падари бузрукворим Мироншоҳ Мирзодан ёрдам кутиш бефойда, ул зот бошқа ўғиллариға, айниқса, Абу Бакр Мирзога эътиқод қўйган. Уни эрса волидаси боис, кўрарға кўзи йўқ, лекин, нафратини ошқор этмайди... Шулар важҳдин, ҳар бир хатти-ҳаракатини пировард натижадан келиб чиқадиған оқибатнинг фойда ва зарарини тарозиға солған ҳолда бажармоғим даркор. Талваса ва кўрқувдан фойда йўқ. Таваккал бирлан отни қамчиламоқ даркор. Бобомнинг ўлими ҳам, аслида, фавқуллоҳда рўй берған ҳодиса эрмас, шаҳзодаларнинг кўпчилиги уни аллақачонлардан бери орзу қилишадур.

(Иккиаскар Хизр қавчинни Халил Султон ҳузурига олиб келишади)

Халил Султон – Ўтиринг, бек, марҳабо.

Шод Мулк- Хўш, тўғриси сўйлайсиз деган умиддаман.

Хизр қавчин (овози титраб) – Мен... Мен Ҳазрати олиялари Бибихонимнинг...

Шод Мулк – Ҳурматли бек, қани, аввал бир тиловат қилинг...

(Ҳизир қавчин бошини куйи эгганича силкиниб-силкиниб йиғларкан, пичирлаб, титраганича тиловат қилади)

Хизр қавчин - Илоҳи омин! У дунёга рихлат қилған барча бандаи мўминлар қатори улуг соҳибқирон Амيرимиз Темурибек Тарағай ўғилларининг ҳам жойлари жаннатдан бўлсун!

Шод Мулк – Илоҳи омин! Фаришталар ҳам омин дейишсин!

Халил Султон - Илоҳи омин!

Хизр қавчин - Таъзиямни қабул этинг, шаҳзодам... Хали, оромингизни бузмаслик учун сўйламақдин тийилиб эрдим, бир қошиққонимдин ўтинг... Бандалик эркан... Шаъбоннинг ўни, яъни чоҳаршанба куни ҳазратимнинг миждозлари иситди. Биз барчамиз сафар машғулотни бирлан банд эрдик. Мавлоно Фазлуллоҳ Табризий жаноблари бор муолажаи мудовани қилдилар. Билурсиз, анингдек табиби ҳозиқ оламда кам топиладур. Бироқ Оллоҳнинг ёрдами барча малҳамлардан устун келмиш ва келаси чоҳаршанба шаъбон ойининг ўн еттинчида улуг соҳибқирони Аъзам дорул фанодин дорул бақога рихлат қилдилар...

Халил Султон – Ҳазрати бобомизнинг майити хануз Ўтрордаму?

Ҳизр қавчин – Йўқ, шаҳзодам, эртаси куни, яъни панжшанба кечаси, намози хуфтонда Хожа Юсуф ва Али қавчинлар бошчилигинда юз чоғлиқ хос кишилару қўрима бирлан Самарқанд сари мутаважжух бўлдилар.

Халил Султон – Бибим ҳазрати олиялари йўлдошлик этмадиларму?

Ҳизр қавчин – Самарқандга соҳибқироннинг нашъи тез етказилиши чораларини ўйлаб, аёллардин ҳеч кимни, ҳатто бибингизни ҳам олишмади. Амирлар ва беклар шул тадбирни лозим кўрдилар чоғи... Бибингиз, Тўкал хоним, Туман Оғо ва кичик шаҳзодалар ўрду ила улуғ Амирнинг муҳаффаси ортидин бир кун сўнгра йўлга тушдилар. Ўшал куни мени сиз ила Султон Хусайн Мирзо хузурлариға, Аро Темурни падари бузрукворингиз шаҳзода Мироншоҳ Мирзо ила амирзода Абу Бакрни хабардор этгали Бағдодга, Маҳмуд қавчин ва Шайх Темур қавчинни Ҳиротга Шохруҳ Мирзо қошлариға, Али Дарвеш қавчинни эса Табризга амирзода Умар Мирзоға хабарчи қилиб юбордилар.

Халил Султон – Тушуна билмадим... Унда мени бибим ҳазрати олиялари Самарқандга чорладиларму ёхуд Ўтрорғаму?

Ҳизр қавчин – Албатта Самарқандга-да! Мактубда ёзилмаган бўлса-да, мендин баъзи бир сўзларини оғзаки етказишимни сўрадилар. «Шаҳзода Халил Султон Мирзо мактубни олишлари биланоқ, лашкарларини йиғиб, Самарқанд сори мутаважжух бўлсинлар. Бошқа шаҳзодалар етиб келгунлариға қадар барча маросимларға бош-қош бўлиб турсинлар», дедилар. Менинг фикри ожизимча, раҳматлиғ улуғ Амиримизнинг васиятлари шаҳзодалар ҳукмига ҳавола этулгунига қадар, барча юмуш сизнинг елкангизда бўлур...

(Шод Мулк Халил Султонга «мен сизга нима дегандим» ишораси ила маъноли тикилди)

Халил Султон – Пир Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо хузурлариға ким кетди? Оғамизга бул хабарни ким етказур?!

Ҳизр қавчин – Бул юмушдан хабарим йўқ, шаҳзодам! Буни бибингиз билур... Олдин бул юмушни менга юклашиб эрди. Сўнг, йўл олислиғини ўйлашдиму ёки қарилгимдин хавотир олишдиму, ҳарқалай, менга «сиз яқинроққа бора қолунг», дейишди.

Халил Султон – Ўртамизда ўтирик бўлмаслиги керак, бек!

Ҳизр қавчин – Неки тиласангиз ўшал нарсани ўртаға қўйиб, қасам ичурмен, шаҳзодам.

Халил Султон – Вазиятни мenden кўра-да яхшироқ билурсиз, бек. Ҳазрати бобомизнинг амирлари-ю бекларининг феъллари мендин кўра, сизга кўпроқ аён. Шаҳзодалар борасинда ҳам мулоҳазам шунга яқин. Ҳарқалай, ҳар нарсадан хабардор турмоғимиз лозим! «Валиаҳд» масаласи ҳал бўлгунига қадар...

Ҳизр қавчин – Валиаҳд масаласи... Бул борада янглиш хабар эшитган бўлсам, бир қошиққонимдан кечгайсиз, шаҳзодам. Чунки ҳозир таъкидлаганингиз киби ўртамизда бирорта сир қолмаслиғи керак. Тўғриму, йўқму эшитганларимни сўйламоғим даркор. Қулоғимға чалинган узук-юлуқ сўзларға қарағанда, ҳазрати бобонғиз васият ила валиаҳдни тайин этмишлар...

Халил Султон – Бобомизнинг сўзлари-да, васиятлари-да биз учун қонундур, бек. Бобом ҳазратларининг васиятларини сиз ўз қулоғларингиз бирлан эшитдингизму?

Ҳизр қавчин- Мм...мен...

Халил Султон - Давом этинг, бек, нега сукут қилмоқдасиз?!

Шод Мулк - Шаҳзодам ҳазратларининг сўзлари ҳақ! Ҳазрати бобомизнинг васиятлари биз учун қонун!

Ҳизр қавчин – Ўшал куни мен ҳарбий тайёргарлик борасинда Ўтрордин беш ёғоч йўл нарида, кунчиқар томондағи Чўкалак мавзесинда эрдим. Шул боис, Ўтрорға кечроққайтдим. Мен келганда Ҳазрати соҳибқирон тилдан қолган, Мавлоно Убайдуллоҳнинг ўғиллари Ҳайбатуллоҳ бобонгизнинг бошинда Қуръони карим хатми бирлан машғул эрдилар. Шайх Нуриддин менга бўлган воқеаларни қисқача сўзлаб бердилар, яъни Пир Муҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд тайин этганлари ва барчалари ул жувонбахт Мирзоға байъат қилгонларию, Қуръони каримни бирма-бир тутуб, қасамёд бирлан улуғ Амирға сўз берганларини мен ул амирдин эшитдим.

Халил Султон(ғазаб билан) – Унда бул тафсилотларни сир тутмоқликнинг боиси нечун?!

Ҳизр қавчин (тиз чўкиб) – Уни бибингиздин сўранг, шаҳзодам!

Халил Султон – Бул мусибатли ва қутилмаган хабар дилимни вайрон этди. Шу боис, аччиқ-чучук сўзларимдин оғринманг, бек. Ота-боболар ўлими мерос бўлса-да, бул зарбаға тайёр эмасдик ҳали... Биз йўл тадоригини кўрурмиз. Сизга руҳсат.

(Ҳизр қавчин тезда ташқарига чиқади.)

Бошловчи - Халил Султон ўша куннинг ўзидаёқ, энг яқин ва ишонган амиру бекларини машваратга чақирди. Ҳар эҳтимолга қарши ва турли вазиятлар юз беришини назарда тутиб, ўзини ғам юки остида қолган бечора қилиб кўрсатмоқни ҳам унутмади. Барча ҳаракатларга бош бўлмоқни, машварат аҳлига таъсир ўтказмоқни амир Худойдод Ҳусайний зиммасига юклади. Шахзода Халил Султон гарчи Амир Темурнинг ўлганини сир тутиб, унинг тўсатдан бетоб бўлиб қолганлигини, шул боис, қўшиннинг зудлик билан Самарқандга қайтмоғи кераклигини айтди.

Учинчи кўриниш

(Чодир олди.Халил Султон ва бир неча бек ва саркардалар йиғилган)

Халил Султон – Бугун кун ботиши бирлан ёхуд тонгла Самарқанд сари йўл олурмиз. Хитой сафари учун тайёрланган анжомларнинг барчасини қолдириб, фақат қиличлару совутларингизни олсангиз, бас, иложи бўлса, совутларни кийиб, ҳар нарсага шай турмоғингиз даркор.Бундай вазиятда қандай йўл тутмоқликни барчамиз ақл тарозусида тортиб, қадамларимизни ўлчаб босмоғимиз лозим. Ҳозир ҳазрати шахзодамизнинг ёнлариға кириб, бир тан, бир жон бўлиб, аларнинг буйруғу ҳимолариға шай турмоғимиз шарт. Худо кўрсатмасин, бирор корҳол юз берса, баъзи бир хом сут эмған бандаларни шайтон йўлдан оздирмоғи ҳам оппа-осон. Бирлашған ўзар, бирлашмаған тўзар... Хаммага рухсат. Ҳусайиний ва Бурундукбек билан сиз ҳам қолинг.

(Одамлар тарқагач, Халил Султон Ҳусайинийга ниманидир ишора қилди. У қўлидаги китобни очиб, ичидан икки вараққоғоз олди. Бири кеча Хизр қавчин келтирган мактуб, иккинчиси эса Шод Мулкнинг маслаҳати билан Самарқанд ҳокими Арғуншоҳ номига битилган мактуб эди.)

Халил Султон – Ҳозироқ кимдир ўрдага учиши керак! Арғуншоҳнинг феълени билурсиз. Агар Самарқандға Хожа Юсуф, Али қавчин, Шайх Нуриддинбеклар етган бўлса, бобомизнинг васиятлариға кўра, оғамиз Пир Муҳаммад Мирзо Кобулий ўрдага келгунлариға қадар шаҳарға ҳеч кимни қўймаслар. Лекин биз шундай қилмоғимиз керакки, Арғуншоҳ дарвозалар калитларини биздан бошқа ҳеч кимсаға бермасин! Бул жуда мушкул юмуш, билурмен, лек буни адо этолмасак, чекимизға итнинг кейинги оёғи бўлиб юриш тушадур...

Бурундукбек – Мен борамен.

Худойдод Ҳусайний – Фикрингизни билсак бўладиму, бек?

Бурундукбек (кулиб) – Фикримни сўйласам унинг сирлиғи қаерда қоладур. Лек хотирингиз жам бўлсун, шаҳар дарбозалари фақат сизлар учун очиладур!

Худойдод Ҳусайний – Агар очилмаса, ўшал дарбозаға ўзингизнинг бошингиз осилишини ҳам унутманг, бек.

Бурундукбек – Яхши ният қилинг, Худойдод. Лекин мен бошқаларға ўхшаб, бошимни оддий нарсалар учун қурбон қиладурғон аҳмоқлардин эмасмен. Агар ўзингиз «удда килурмен» десангиз, марҳамат, йўлингизни тўсмасмен. Ҳалолингиз бўлсун!

Халил Султон – Ҳозир тортишиш пайтимас! Бул юмушни бажармоқ учун биздин не хизмат зарур?

Бурундукбек – Бир қадок олтин бўлса, бас!

Худойдод Ҳусайний – Ўҳ-хў! Гап бу ёқда денг? Бир қадок олтинға бир эмас, икки Арғуншоҳни сотиб олиш мумкун-ку, бек?

Бурундукбек - Бош устиға, мен сўзимни қайтиб олурмен.Ҳазрати шахзодамизнинг тилаклари бажо келтирилса бўлди. Бул юмушни ким бажаришининг эрса аҳамияти йўқ!

Халил Султон – Бурундукбек ҳақ. Мен қарши эмасмен. Иш битса, бас. Ҳозир ҳар бир дақиқа ғанимат. Менинг ғалабам сизнинг ғалабангиздур. Йўкса, илгари сўйлаганимдек, итнинг кейинги оёғи бўлурмиз. Бурундукбек учун энг яхши суворийлардан мингтасини танлаб олинг. Ҳозироқ йўлга чиқишадур. Ҳазиначиға айтинг, бир қадок олтин келтирсун! Энди эрса хаммага жавоб. Ўзимиз ҳам тонг-ла йўлга тушгаймиз. Йўл тадориғи аъло даражада кўрилсун!

(Саҳна қоронғулашади)

Бошловчи - Йўл азоби ниҳоясига етиб, Самарқандга яқинлашганларида кун ботиб, совуқ забтига ола бошлаган эди. Бибихоним Шайх Нуриддин билан маслаҳатлашиб, Оқсулотда қўниб ўтишга, маликалар ва кичик шаҳзодаларни эрталабгача шу ерда қолдиришга қарор беришди.

Улар Чаҳорроҳа дарвозасига келганларида кун ботиб бўлган, дарвоза қўшиқда навбатчилик қилаётган йигитлар қўлларида машғалалар тугганича у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришарди.

Амир Нуриддин суворийларининг бирига дарвозани уришни буюрди.

Тўртинчи кўриниш

(Чаҳорроҳа дарвозаси олди. Суворий дарвозани кзлидаги камчиси билан уради)

Суворий – Дорвазани очинглар!

Қоровул – Менда калит йўқ!

Амир Нуриддин – Сенинг хушинг жойидами? Қўрмаябсанми Бибихонимнинг тахтиравонли аравасини?!

Қоровул - Мана йўқ, калит Арғуншоҳнинг ўзида.

Амир Нуриддин (дарвозага яқинлашади) – Кимсен сен?

Қоровул – Қоровулбегимен, амир жаноблари!

Амир Нуриддин – Қоровулбеги Шамсуддин Гиёс эрди-ку!

Қоровул - Хавфсизлик маъносинда то валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо Кобулий келиб, шаҳарни олгунлариға қадар қоровуллар бошлиғи-ю беги, эшик оғаси, ҳатто дарбозабонларғача барчаси алмаштирилмиш ва шаҳарға ҳеч кимни қўймаслик ҳақинда фармони олий чиқарилмиш. Шул боис, Самарқанддағи барча дарбозаларнинг калитлари Арғуншоҳ жанобларининг ўзларинда!

Амир Нуриддин – Сенинг отинг нима?

Қоровул – Камолиддин Носирмен, амир жаноблари!

Амир Нуриддин – Қайси қўшиндансен?

Қоровул – Халил Султон ҳазратларининг қўшинлариданмен, ўнг қанотдин.

Амир Нуриддин – Шаҳзода Халил Султон қўшинлари келиб улгурдиму?

Қоровул – Йўқ, жаноб амир, Бурундукбек бош бўлғон минг чоғлик йилдирим қўшин кеча келиб, жойлашдик, Халил Султон ҳазратлари ўрдуси бирлан ортимиздан йўлга тушган. Эрта-индин келиб қолишлари кутилмоқда.

Амир Нуриддин – Бибимизнинг Халил Султон Мирзоға волида мақоминда эканлиғини билурмисен?!

Қоровул – Албатта, жаноб амир!

Амир Нуриддин – Билсанг, Бибимиз учун бул тақиқ нечун? Ахир, соҳибқирон ҳазратларининг таъзиялари бошинда ҳазрати олиялари туришлари керак-ку! Буни Арғуншоҳда яхши билур!

Қоровул – Мен бир кичик одаммен, жаноб амир, фармонни бажараётирмен, холос. Калитни бериб, оч десалар очурмен. Калит эрса, Арғуншоҳ жанобларинда!

Амир Нуриддин – Бошинг иккитами дейман, сен боланинг? Икки ҳафтадан бери йўлдамиз. Оч-наҳор, совуқда бир амаллаб эсон-омон етганимизда ҳазрати олиялари Бибихоним Арғуншоҳнинг ноз уйқусидан уйғонишини кутмоқлари керакму?

Қоровул - Сўйладим-ку сизга, ҳурматли амир, мен кичкина бир одаммен...

Амир Нуриддин (дарвозани тепиб) – Тўти киби бир гапни такрорлама, ҳозир ёнимда бўлганинда каллангни сапчадек узардим.

Қоровул – Афв этгайсиз, амир жаноблари! Фармонни бузсам ҳам бошим кетадур! Фақат... фавкулодда бирор бир ҳодиса рўй бергудек бўлса, чора кўрмоққа изн берилган. Шул боис, ҳаракатларингизға эҳтиёт бўлунг, амир!

(Бибихонимнинг тахтиравонли аравасидан тушади ва унга Мирзо Улуғбек қўмаклашади)

Мирзо Улуғбек – Бибижон, ташқари изғирин, яхшиси, мен хабар олурмен!

Бибихоним – Йўк, йўк, Мирзом, ўзим бормасам битмайдурганга ўхшайдур. Ҳалитдан ўйин бошланибдурму деган хавотирдамен.

(Бибихоним аравадан тушиб, Амир Нуриддиннинг олдига боради)

Бибихоним – Тинчликми, амир? Самарқандни ёв босганга ўхшайдурму?

Амир Нуриддин – Шундайга ўхшайдур, бибим...

Бибихоним – Ё тангрим! Ўзинг асрагайсен!! Соҳибқироннинг нашъи тақдири не бўлмиш? Самарқандни ким камал этилмиш?

Амир Нуриддин – Тинчланинг, ҳазрати олиялари, Самарқандни камал қилганлар душманлар эрмас, Халил Султон Мирзонинг қўшинлари!

Бибихоним – Оллоҳга шукур! Мен эрса бирор-бир ёғийларми деб ўйлабмен. Унда нечун улар дарвозани очмаётирлар?

Амир Нуриддин – Арғуншоҳ шундай фармон бериб эмиш. Токи валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо Кобулий етиб келгунларига қадар, кимлигидан қатъи назар, бирорта одамнинг шаҳарга кириши ман этилмиш!

Бибихоним - Астағфируллоҳ! Фармон бериш Арғуншоҳга қолибдурму. Улуғ Амирнинг майити тақдирини сўрдингизму? Туфрокга берилмишму?

Амир Нуриддин – Ҳазрати олиялари! Бизга нисбатан бул муносабат боис, азбаройи таҳликага тушганимдин не сўрадим, не жавоб олдим, эслолмасмен. Каллам ҳозир сув қайнаётган дошқозон мисоли, ичинда ҳеч нарса йўк.

Бибихоним – Унда дарбозабонни чақиринг-чи!

(Амир Нуриддин дарвозани тақиллатади)

Коровул – Лаббай, амир жаноблари?

Амир Нуриддин – Сен бирлан ҳазрати олиялари Бибихоним сўйлашмоқ истаб турурлар!

Коровул - Бош устига! Эшитамен, ҳазрати олиялари!

Бибихоним – Ҳеч кимни киритмаслик ҳақиндаги фармони олий қайси шахзода томонидан ёзилмиш?

Коровул – Менинг фикри ожизимча, шаҳар ҳокими Арғуншоҳ Бурдаликий жаноблари томонидин, ҳазрати олиялари!

Бибихоним – Фармони олийни Арғуншоҳ беролмас, бирорта шахзодаи жувонмарднинг кўрсатмаси бўлмоғи лозим.

Коровул – У томонлари менга қоронғу, ҳазрати олиялари!

Бибихоним – Соҳибқироннинг майитлари ерга қўйилдиму, ҳеч бўлмаса шуни билурмисен?

Коровул – Албатта, ҳазрати олиялари! Эшитишимча, соҳибқироннинг майитлари беш кун ичинда етказиб келинган ва ўшал куни кечасиёқ марҳум Муҳаммад Султон хонақоҳига дафн этилган.

Бибихоним(кўзларига ёш қалқиди) – Аза очилиб, мотам маросимлари бажо келтирилдиму?

Коровул – Менимча, ҳали ҳеч кимга бул хабар етказилмаган! Ҳамма валиаҳдни кутиб ўтирибдур. Шаҳар ичида унча-мунча гаплар тарқалган бўлса-да, очиғини ҳеч ким билмайдур.

Амир Нуриддин – Унда ҳозирча, Бибихоним ҳазрати олиялари бирлан кичик шахзодаларни киритурсен, майли, биз чериклар бирлан Арғуншоҳ келишини кутгаймиз.

Коровул – Фармони олийни бузишга ҳаққим йўк, амир жаноблари. Лекин Арғуншоҳ Бурдаликий жанобларига элчи юборишни бўйнимга олғаймен!

(Бибихоним амир Нуриддинга суянганича, юм-юм йиғлаб, аравага қайтади. Улуғбек Мирзо бибисини кучоқлаганича, йиғисига шерик бўлади)

Бибихоним – Сиз йиғламанг, Улуғим! Сиз эркаксиз, дийдангизни қаттиққилинг, қадингизни кўтариб мағрур турунг! Ҳали бу бошимизга кўп савдолар тушади, чоғи. Менинг гапимга кўнсангиз сиз тезда Ҳиротга, падари бузрукворингиз ёнига қайтинг. Оғо Бегим кейинроқ, илик иссиқ кунлар бошлангач, борур. Менинг фаҳмлашимча, Халил Султон Мирзонинг одамлари аллақачон Арғуншоҳ бирлан тил топишган, Пир Муҳаммад Мирзонинг келиши ҳақиндаги гаплар баҳона, яна Оллоҳ билгучидир...

(Улуғбек Мирзо Бибисининг қўлларидан ўпади)

Улуғбек – Сизни қандай қилиб, шул аллозда ёлғиз ташлаб кетурмен, бибим?

Бибихоним – Ёнимда Оғо Бегим бор, ёлғизлатиб қўймас, бобонгизнинг маросимлари тугагач, балки Оғо Бегим бирлан мен ҳам Ҳиротга кетурмен. Волидаи мухтарамангиз розилик берсалар...

Улуғбек – Бибим, сиз мен учун волидамдин ҳам ортиқсиз десам густохлик бўлур, шул боис волидам кибисиз демоқ бирлан чекланурмен ва билингки, ҳар доим суянишингиз, орқа қилишингиз учун ва бундан сўнг, ҳаётингизнинг яхши ўтмоғи учун мен бормен! Оғо Бегим бор! Шул боис, майли, бобомизнинг маросимларини ўтказгач, Оғо Бегим бирла Ҳиротга борурсиз, мен эрса, сизнинг фикрингизга қўшиламен. Мен Ҳиротга қайтмоғим керак...

Бибихоним – Миннатдормен, Улуғим! Сўзларингиз бирлан қаддимни тикладингиз! Энди бу ёғи Оллоҳдин. Сиз эрса, тезлик билан қайтинг. Қўримани ҳам сиз бирлан юборурмен. Бухорода кўп кун тўхтаманг, иложи бўлса, нотанишроқ йўллардан юринг, чунки бугунги вазиятдин юрагим негадир ташвишда. Халил Султон Мирзо ёмон йигит эрмас-у, лекин мен бобонгизнинг сўзиға кирмадим. Эндиги пушаймон ҳам бекор... Сиз Оғо Бегим бирлан хайрлашинг...

(Бибихоним Оғо Бегим билан Улуғбек Мирзо хайрлашиб олиши учун кичик шахзодаларни етаклаб аравадан тушди-да, у ёққа-бу ёққа асабий бориб келаётган амир Нуриддинни чақиради)

Бибихоним – Бу кўргуликка қаранг, амир?

Амир Нуриддин – Мен ҳам шул фикрдамен, маликам, лек ҳар бир нарсанинг хосияти бўлгани киби, кирмаганимиз ҳам хайрлидур, балки...

Бибихоним – Айтганингиз келсун. Унда, шахзода Иброҳим Султонни сизға, Улуғбек Мирзони Шох Маликка, сизларни эса яратган эгамнинг ўзиға топширдим, илоё, ўзи қўлласун! Энди эса шошилинг.

(Хамма чиқиб кетади. Чироқ нури фақат ёлғиз Бибихонимни ёритади)

Ретро чекиниш:

Амир Темур овози – Нечундир шаштингиз сушт, бибим, бирор кимсадин густохлик ўтдиму? Ё Чин сафари азобидин чўчимоқдамусиз?

Бибихоним – Ҳазратим мулоҳазаларим ножоиз бўлса, мени афв этурсиз, деган умиддамен...

Амир Темур овози– Сўйланг, қулоғим сизда, бибим. Сиз ҳеч вақт ножоиз сўйламассиз...

Бибихоним – Ҳазратим, нечундир кўнглим ғаш, чироқ ёқса ёришмайдур. Лекин бул туйғу сафар машаққатларидин чўчишимдин эрмас, зинҳор. Фақат бир андеша бор...

Темур – Хўш, сўзланг, бибим. Қулоғим сизда!

Бибихоним – Ҳазратим эсингизда бўлса, Ҳиндистон сафаридин сўнг, валиаҳд тайинламоқни ният қилиб эрдингиз. Боз устига, Чин ўлкасига бўлажак сафар ва жиҳод қанча вақт давом этур, буни ёлғиз Оллоҳ билур. Биз эрса...

Темур овози – Фикрингизни уқдим, бибим. Фақат сафар олди бул тадбир қўшинда ва шахзодалар ўртасида бўлинишға, парокандаликка олиб келмасмикин, деб кўрқамен. Балки мана шул сафарнинг ўзи, мана шул жиҳоднинг ўзи валиаҳд масаласини ҳал этар. Умар Шайх Мирзо Баҳодирдан умидим катта эди. Бироқ машъум ўлим уни ҳам юлиб кетди. Муҳаммад Султон Мирзонинг ўлими менинг ярамни яна янгилаган бўлса, шахзодалар кўнглида тожу тахт умидини уйғотди. Мироншоҳ Мирзо ва Шохруҳ Мирзоларда эса ҳукмдорларга хос феъл ва қатъиятни кўрмадим.

Шохруҳ Мирзо жиддий, илми етук бўлса-да, кўнгли бўшроқ. Шу боис, давлат ишларини кўпроқ хотини – Гавҳаршодбегим бошқаради.

Мироншоҳ Мирзо эса сўзга чечан, ҳар қандай даврани оғзига қарата оладиган зукко, шеърү ғазални қойиллатиб ёзса-да, мақтов ва ҳамду санони яхши кўраради. Атрофида ақл ва илм аҳли эмас, маишатпараст ҳайбарақаллачилар уя қурган. Аммолекин, буларнинг бирортасидин умидим йўқ, бибим.

(чироқ аста –секин ўчади)

Бешинчи кўриниш

Бошловчи – Арғуншоҳ хузурига юборилган элчи қайтиб келганида, Улуғбек Мирзо ва Иброҳим Султонларга бош бўлган икки амир етакчилигидаги кўрима аллақачон кетиб бўлган эди.

Элчи Арғуншоҳнинг бетоб ётганлигини, келолмаслигини ва калитни ҳам рухсатсиз (кимнинг рухсатсизлигини айтмади) беролмаслигини айтиб, Бибихоним ва шаҳзодалар вақтинчалик, яъни, валиаҳд Пир Муҳаммад Мирзо келгунига қадар Шохруҳ Мирзога қарашли боғда туришларини билдирди. Боғ Чоҳарроҳа дарвозасидан сал пастда, Самарқанднинг кунгай тарафида эди.

(Бағдод.Шаҳзода Мироншоҳ Мирзонинг саройи)

Аро Темур – Шаҳзода Мироншоҳ Мирзонинг ўзларига ҳозироқ етказишим зарур бўлган хабар бор.

Эшик оға – Маъзур тутсинлар, ҳурматли бек, вақт алламаҳал бўлғон. Ҳозир шаҳзодаи жувонбахтнинг айна ором маҳаллари. Соғ бошимиз савдоға қолмасин тағин!

Аро Темур – Менинг отим Аро Темур! Шаҳзодаи жувонбахт саройдадилар?

Эшик оға – Шаҳзодаи жувонбахтнинг феълларини билурсиз, амирим. ҳозир безовта қилсам бир менинг эрмас, сизнинг ҳам бошингиз кетадур... Шул боис, тонгғача сабр этурсиз.

Аро Темур – Унда Хонзода бегимни кўрсам бўлурми?

Эшик оға – Яхши, амир жаноблари, Хонзода бегимдан ҳозир сўраб кўрурмен.(чиқади).

(Хонага Хонзода бегим кириб келади.)

Хонзода бегим– Сўзланг, амир жаноблари, бул қадар шошилишч мужданинг соҳиби ким?

Аро Темур (кўлидаги мактубни бегимга узатиб) – Билқисси Суғро, Бонийи Кубро Бибихонимдур.

(Хонзода бегим хатни очаркан, қўллари титрайди. Мактубнинг ярмига етгач, беҳаловат бўлаётган бегимнинг нафас олиши секинлашиб, вужудидаги титроқ сусаяди. Хат мазмунини билгач, ўзини бутунлай босиб олади)

Хонзода бегим – Оллоҳга шукур.Менинг фикри ожизимча, соҳибқирони аъзам бетобдурлар, шундайму? Ёхуд... Тўғриси сўйлай беринг, бек? (Аро Темур кўзларини ерга олиб, чурқ этмайди) Мироншоҳ Мирзо ҳокимиятдан азл қилингач, Бағдоднинг жануб томонидаги, Абу Бакр Мирзо қурдирган кўшқда яшамокдаман. Сизга мълум мен соҳибқироннинг амри билан бир ҳафта нарида Бағдодга қайтган эдим, лекин ҳали шаҳзода билан кўришмаган эрдим.У мандан хафа, лекин унга хатнинг мазмунини етказишга ҳаракат қилиб кўрурмен.

(Саҳна аста-секин қоронғулашади ва қайта ёритилганда шаҳзоданинг ётағи ёритилади. Шом гиламлари тўшалган хайҳотдай хонанинг қандиллари ўчирилмаган, яланғоч, ярим-яланғоч каниз қизлар қўлларига илинган нарсани ёстиққилганларича ҳар ер-ҳар ерда чўзилиб ётишарди. Тўрдаги барқут пардали ётоқда шаҳзода Мироншоҳ Мирзо ширакайф ҳолда, кип-яланғоч ётарди. Кўнғироқ сочили канизак шаҳзоданинг тиззасини қучоқлаганича, ғудранар, унинг ҳолатидан ухлаётганини ҳам, кайфи ошиб, ўзини ўнглолмаётганини ҳам билиб бўлмасди.Хизматкорнинг шовуридан туйқус уйғонган канизаклар сархушликлари боис, кўзларини базўр очганларича, сочилиб ётган уст-бошларини топиб, киймокқа тутинишади.

Қорачадан келган, баланд бўйли, ориқ хизматкор йигит нарсаларни жуда чакқонлик билан йиғарди.Шаҳзода унга қарайди. Кўрқиб кетган хизматкор йигит учиб келиб, идишни ўнглади ва бирпасда меваларни йиғиб солади)

Йигит – Маъзур тутгайсиз, шаҳзодам!

Мироншоҳ (унга май узатиб) - Ма,ич!

Йигит – Мени афв этгайсиз, шаҳзодам, бизга ичиш мумкун эрмас!

Мироншоҳ – Нечун?

Йигит – Сарой таомилиға кўра, хизматкорларнинг май ичмоғи ясоқ!

Мироншоҳ – Сарой таомилидан биз беҳабар қолибмизму? Ким томонидан амр этилган бул ясоқ?

Йигит – Ҳазрати олийлари Амир Темур соҳибқирон томонларидин, шаҳзодам!

Мироншоҳ – Соҳибқирон ҳазратлари осмондан тушган азроилму?

Йигит – Йўқ, шаҳзодам...

Мироншоҳ – Унда нечун бунчалик кўрқасен, майни ол ва ич! Мана бул хомкаллани ҳам пишит, тушундингму?! Энди сен менинг одамимсен? Менинг амримга бўйсунасен! Менинг сўзим сўз, амрим вожиб, хоҳласам бор қилурмен, хоҳласам йўқ! Англадингму?!

Йигит – Ўлгунимча содиққулингизмен, шаҳзодам!

Мироншоҳ – Шундай бўлсун! Қани ол ва ич!(йигит кадахни олиб ичади) Бу бошка гап. Хат-саводинг борму?

Йигит – Мадраса кўрганмен, шаҳзодам, бухороликмен, форсчам яхши, Пир Муҳаммад Шерозий даргоҳинда тилмочлик ҳам қилганмен. Адабиётга, шеъриятга меҳрим айрича. Сиз, ҳазратимнинг ғазалларидин ҳам ёд билурмен.

Мироншоҳ – Кўшинда хизмат қилганмисан?

Йигит – Амир Нуриддин кўшинида суворий эрдим. Белимдан захмдор бўлғач, енгил ишга ўтказишди...

Мироншоҳ (унинг елкасига уриб) – Имтиҳондан ўтдинг, йигит, бир кўза шаробга қилт этмадинг, эртадин бошлаб хос бекларим қаторинда бўлурсен! Отинг нима?

Йигит – Баҳром Баҳлул!

Мироншоҳ – Энди эса дамингни ол, баковулга айтсанг, йиғиштиришга бошқа хизматкор юборадур.

(икки-уч қайта эшикдан мўралаган, шаҳзода билан бақамти ўтирганича, май ичаётган хизматкор йигитнинг эсон-омон чиқишини кутиб ўтирган эшик оға йигитни тезда ташқарига чиқариб юборди ва Шаҳзоданинг чорловидан юраги зада бўлиб қолган эшик оғаси титраб-қақшаганича пойгоҳда тўхтади)

Мироншоҳ – Устозинг каерда?!

Эшик оғаси - Хонзода бегим келдилар!

Мироншоҳ – Мен сенга ул шайтони лаиннинг отини атама демабмидим?!

Йигит – Бир қошиққонимдин кечинг, шаҳзодам. Улуғ Амиримиз ҳазрати олийларидин келган мактуб боис...

Мироншоҳ – Ҳазрати олийлари?! (ётиб олади).

(Эшикдан кираётган Хонзода бегимга кўзи тушган икки канизак эса жон ҳолатда, ўрниларидан сапчиб турганларича, кийим-кечақларига ҳам қарамай, урра қочишди. Мироншоҳнинг тиззасини қучиб ётган киз ўзига келолмади. Хизматкор ҳарчанд турткиламасин, қўл силтаб «тинч қўй» деганича яна кўзини юмиб олди. Асаби бузилган Хонзода бегим юзини ўгирган кўйи, бетоқатланмоқда эди. Хизматкор йигит кизнинг устига чойшаб ёпганича даст кўтарди-да эшикдан олиб чиқди. Қиз кетатуриб, Мироншоҳ Мирзонинг қўлини тортқилади. Мироншоҳ Мирзо ҳам кўзларини очмасдан икки қўлини ёзиб, ёнларини пайпаслади)

Мироншоҳ – Кабутарларим...

Хонзода бегим – Кабутарларингиз учмиш, шаҳзодам!

(Хотинининг овозини эшитган Мироншоҳ Мирзо қаршисида турган Хонзода бегимни тушимда кўряпман, деб ўйлаб, кўзларини шошиб очиб-юмади. Хонзода бегим унинг аҳволидан жиркангандай, ўзини орқага оларкан, гапида давом этади)

Хонзода бегим – Шошилинч хабар борлиги боис кирдим... Йўқса...

(Мироншоҳ Мирзо Хонзода бегимга еб қўйгудай қилиб қаради ва пинагини бузмади. У тесқари ўтирилганича, атлас чойшаб билан уят жойини бекитади)

Мироншоҳ – Шошилинч хабарингга туфурдим...

Хонзода бегим Бибимиз ҳазрати олиялари... – Хонзода бегим қўлидаги хатга ишора қилди, – юбормишлар!

Мироншоҳ – Ҳаммасиға, ҳаммангизға туфурдим! Менга деса, осмон узилиб тушсун! Қиёмат қойим бўлсун! Дунёни сув боссун! Тушундингму? Энди эса мени тинч қўй! Мен йўқмен! Ўлганмен! Мироншоҳ Мирзо йўқ! Йўқол!

(Ғазаб ва аламдан унинг кўнгли бузилиб, овози хиркираб, чиқмай қолди. У бирпас шу зайлда жим ётди ва Хонзода бегимнинг ҳалиям кетмаганини сезиб, ғазаб билан у томон ўгирилади)

Мироншоҳ (кўкрагига муштлаб) - Бул,ўлған Мироншоҳнинг, топталған Мироншоҳнинг, азл этилған Мироншоҳнинг жонсиз гавдаси, суврати!

(У жон-жаҳди билан ўрнидан сапчиб турмоқчи бўлади. Лекин гавдаси яна ўзига бўйсунмайди. Тиззалаган кўйи, ўтириб қолади)

Мироншоҳ – Мен сенға, менинг хобхонамға қадам босма демабмидим? Бул ётоқ сенға ҳаром демабмидим? Шунча қилмишларингдин сўнг ҳам сен – сотқин, сен – қанчиқ Бағдодға келишға, ётоғимға киришға журъат этдингму? Мен сенға, яна такрорлаймен! Яна бор сени бул даргоҳда кўрсам ёхуд кирмоққа ҳаракат қилсанг, мана шул қўлларим бирлан бўғиб ўлдирармен! Энди эрса йўқол! Эй, ким бор!

(Бирор кориҳол юз бермаслиги учун эшик олдида турган эшик оғаси ичкарига киради. Лекин Мироншоҳ Мирзонинг бақир-чақирига эътибор ҳам бермай, Хонзода бегимнинг амрини кутади. Унинг Хонзода бегимга итоати шахзоданинг қонини баттар қайнатади. У парқу болишларни муштлаб, хўнграганича, бош учида турган май тўла кўзани унга отади).

Мироншоҳ – Қоронғуда топишған кўрлар! Раҳнамоларинг сотқин бўлғач, сен сотилмайсанму?! Тузим кўр қилсун ҳаммангизни!

(Хонзода бегим Мироншоҳнинг ўзига келишини ва тинчишини кутиб сукут сақлайди)

Хонзода бегим – Тинчидингизму?..

Мироншоҳ – Ҳалиям кетмадингму?

Хонзода бегим (жаҳл билан қўлидаги мактубни силкитиб) – Эй, инсон, падари бузрукворингиз, ҳазрати соҳибқирон оғир бетоб эрмиш!

Мироншоҳ (кўзлари ярқ этиб, очилиб) – Падари бузрукворим? (ўрнидан бир амаллаб кўзғалганича, чордана қуриб ўтирди, лабларида кинояли ним табассум ўйнайди) – Менингму? Адашмадингизму?! Балки сизнингдур! Яхшилаб ўйлаб кўрунг! Худди шундай!(У қувонч қалққан кўзларини юмганича, бирдан ўзини тўшакка ташлади ва чалқанча ётиб, қўлларини кўкка чўзади Ё улуғ эгам! Наҳотки... Наҳотки бизға ҳам иноят этған бўлсанг! Шукур, беадад шукур... Во, дариғ, етти иқлим ҳукмдори, Искандари Соний, ҳеч қачон ўлмайдурғон олампадох Амир Темур ҳазратлари оғир бетоб эрмиш?! Ўлмабдиларму? Ўлған! Бошимни кўйиб қасам ичамен, ўлған!! Ё тангрим!!! Падари бузрукворингиздан айрилиб қолдук. (йиғи аралаш) Мен... аллақачонлар айрилганмен...

Хонзода бегим (нафрат билан) - Уялинг, ўлим бирлан дардға таъна йўқдур.

Мироншоҳ – Шундоқ денг, уятни ҳам билурмисиз ҳали? Тақдирнинг ажиб ўйинини кўрунг, маликам! Бул фоний дунёға устун бўлломдиларму ул зоти мукаррам!? Умр деганлари ана шундоқ алдоқчи, ана шундоқ бешафқат! Дунёни титратған не-не алломай замонларни, соҳибқирони аъзамларни икки ямлаб, бир ютадур! Яхшиямки, дунёда ўлим бор! Ўлим қадди букулғон ҳақиқатни тиклайдур. Очқўз панжаси бирлан оламға чанг солған разолатни парча-парча қиладур!(бегимга эшик томонни кўрсатиб) Бетоб деғанлари ёлғон, маликам! Тезроқ отланинг, қайнотангизнинг, йўқ, сеvimли отажонингизнинг асъаса-ю дабдабали маросимиға кечикманг! Сиз сеvimли келини, йўқ, қизи эрдингиз. Фарзандидин ҳам ортуқ кўрур эрди сизни! Шул боис, барчадин бурун сиз борунг! Сочларингизни ёйиб, юзларингизни юлиб йиғланг! Падари бузрукворларимни ўлдирған отажоним, деб йиғланг!! Чопинг! Учинг!! Кечикиб қолманг!!!

(Мироншоҳ Мирзо хўнграганича, бошини ёстикқа ура бошлади. Хонзода бегим ҳалигача кайфи тарқамаган Мироншоҳға гапириш ортиқча эканлигини сезиб, мактубни ётоқнинг бир четига қўяди. Эшикка етганда, фикридан қайтиб ва хатни ўзи билан олиб ташкарига чиқади.

Мироншоҳ(бағридан тиркираб отилаётган аччиқ ёшларни тўхтатолмай бор овозда қичкиради) – Ота...аа?!

(Чирок аста–секин ўчади.)

Бошловчи - Халил Султон кўшини ҳижрий 807 йил (милодий 1405) рамазоннинг ўн олтисида, ўлик уйқу маҳал – саҳар пайти Самарқанд ёнидаги Шероз мавзесига кўнди. Шероз Амир Темур кўшинининг жанговар тайёргарлик кўрадиган асосий лашкаргоҳларидан бири эди. От туёқларининг шовури саҳардан хабар бераётган хўрозларнинг узун-қиска ва бўғиққичқирини босиб кетди. Мавзегга яқинлашгани сари юраги ҳаприқиб келаётган Халил Султон узокдан дарвоза кўшида липиллаётган машғалаларга кўзи тушиб, ўзини босиб олди. Хуфияларнинг маълумотига кўра, машғалалар ёниқ бўлса, ишнинг пишгани эди.

Олтинчи кўриниш

(Катта Кўксарой ҳайбатли темир дарвозаси олди. Саҳна ортида катта арава ғилдироғларини икки уста таъмирлаб ўз аро суҳбат қилишмоқда)

Уста Комил – Улуғ Амирдай одам ўлиб кетди-я? Оллоҳ раҳматига олсун! Икки ойми, уч ойми нари кўриб эрдим. Ўладурғон туси йўқ эрди-ку!

Уста Миролим – Оллоҳ керак этса, тусига қараб ўтирмайдур, уста Комил!

Уста Комил – Ҳақ сўзлайсиз, Миролим, лек кўб улуғ инсон эрди, раҳматлик. Ишқилиб тахтлариға ўзлари киби одил бир инсон ўтирсун!

Уста Миролим – У ёғи пешонамиздин, уста Комил. Лек... қулоғингизга ул-бу сўзлар чалинмадиму?

Уста Комил – Астағфируллоҳ! Бир ҳафтадан бери бандмен. Шаҳзода Халил Султон Мирзоға янги ароба ясаётирмен!

Уста Миролим – Шаҳзодаға эрмас, ҳазрати олийлариға денг.

Уста Комил – Йўғ-э, ростданму?! Соҳибқирон ул шаҳзодани...

Уста Миролим - Жим, деворнинг ҳам қулоғи бор! Пошшоларнинг ишлариға сиз бирлан бизнинг ақлимиз етмайдур.

Уста Комил – Етғонидин не фойда, Миролим?

Уста Миролим – Балли. Оғзи қийшиқ бўлса-да, бойнинг ўғли гапирсун...

Уста Комил – Лек тўхтанг, жўра, унда нағалу тамғаларимизнинг тақдири не бўлур!

Уста Миролим – Бунга нағал бирлан тамғанинг нима алоқаси бор, уста?

Уста Комил – Нега бўлмас эркан?! (нағал ва тамғаларни ажрата) Мана қаранг, қанчасиға «рости-русти» урилган, яқиндағина қайнимнинг босқонинда тайёрлатиб эрдим. Ҳай аттанг, шошғанимни қаранг!

Уста Миролим– Вой, афанди! Шунгайм ота гўри қозихонаму? От эгасининг «рости-русти»нигиз бирлан неча пуллик иши бор? Қоқиб берасиз, олиб кетадур, вассалом. Туёғини кўтариб қарамайдир-ку?!

Уста Комил – Шундай дейсиз-у, ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлган маъқул-да, юзта тайёрлаб эдим. Демак, саксонтаси қолибдур. Янги ҳукмдор эълон қилингуниға қадар ўлдим деганда элликтасидан қутулсам, иншаоллоҳ, ўттизтасини айтғанингиз киби бир амаллаб юмалоқ ёстикқилурмен.

Уста Миролим – Балли, бул энди бошқа гап!

Уста Комил – Янги пошшо эски пошшонинг белгисини ўзгартиради-да, тўғрими?

Уста Миролим – Бул дунёда ҳар нарса бўлиши мумкун, пешонада борини кўра берамиз.

Уста Комил – Шундайку-я, лекин ёмондин Оллоҳнинг ўзи кўрусун!

Уста Миролим – Ҳу, ану ёққа қаранг, уста, – деди Миролим Холид Носир ўтирган томонни кўрсатиб, – унинг мана шунақа тарзда ўтиришини туш кўриб эрдингизму?

Уста Комил – Ўтиришиға нима бўлибдур?

Уста Миролим – Холид Носирнинг сийи битибдур, индаллосини айтсам, яъни, Бибихонимнинг ўзини ҳам, аравасини ҳам Кўксаройға кирғизмаган эрмуш.

Уста Комил - Астағфируллоҳ! Ахир тахт улуғ Амирнинг болалариға, авлодлариға қолаётир-ку!

Уста Миролим – Қурьони каримда «Болаларинг балоларингдур» деб айтилғон эркан, уста.

Уста Комил – Йўғ-эй!

Уста Миролим – Шайхулислом Хожа Абдулмалик ҳазратларидин эшитганим бор.

Уста Комил – Бибимизнинг шунча меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари зое кетибдурму?

Уста Миролим – Демак, кетибдур!

Уста Комил – Воҳ, дунёи кўтир! Яхшиям, инсон узоғи бирлан олтмиш-етмиш йил яшайдур... Йўкса...

Уста Миролим – Шундай, шундай. (атрофга қараб) Қани, кетдик. Меҳмонлар келадиган вақт бўлди.

(Саҳнага Халил Султон киради)

Халил Султон (кайфияти яхши) - Тўғри қарор қабул қилганимга энди ишончим комил бўлди.

Бобомнинг садоқатли бекларидан бўлмиш Бурундукбек Барлоснинг менга кўрсатаётган бу илтифотини табиий деб, кўнглимда унга нисбатан ишонч ҳисси янаям ошди. Энди ҳаммаси меники! Фақат меники! Ҳеч кимга бермаймайман!. Энди ҳеч ким мендан тортиб ололмайдур ҳам. Чунки барча кўшин бош кўмондонга бўйсунадур. Бунинг учун қандай йўл бирлан бўлмасун, амир ва бекларнинг кўнглини ололсам, бас! Арғуншоҳдай одамки сотилдим, демак, ҳаммаси сотиладур. Йўкса, Арғуншоҳ бобомнинг энг ишончли одами эрди. Демак, дунёда ишониш мумкин бўлган одамнинг ўзи йўк! Бобом. фақат Шод Мулк деб мени ўйиндан чиқарди, холос. Аслида эрса, мени валиаҳд қилмоқчи эрди. Йўкса, шундай катта кўшинга Пир Муҳаммад Мирзонинг кўмондон этмас эрди. Ўлаётган чоғи ҳам Шод Мулкка аччиққилиб, Пир Муҳаммад Мирзонинг номини айтган-да!. Лекин дунё топганники!

(Дорвазадан ичкарига кириб кетади. Саҳнага Бибихоним, Тумон Оғо, Тўкал хоним, Рухпарвар Оғо ва маликалар киради. Бибихонимнинг ёнида марҳум Муҳаммад Султон Мирзонинг ўғли, тўққиз ёшлик Жаҳонгир Мирзо чурқ этмасдан, сокин қадам ташларди. Бибихонимнинг бошида маликалик нишони — олтин жиғали дастори йўк, кийимлари ҳам одми эди. Енги ва ёқаларига оддийгина уқа тикилган қора барқут камзул, бошига ипак ва жун аралаштириб тўқилган шол рўмол ташланган эди)

Бибихоним – Мирзом... Сиз ҳали ёшсиз, бардам бўлунг! Ўлим ҳамманинг бошинда бор! Фақат бу ўлим бемаврид келмиш, Мирзом... Бу кунларни, бу кўргуликларни Амирим ҳис қилганида эрди, бошқача йўл тутган бўлур эрди. Қисмат ўйинига боқинг, Мирзом... Лек... мен бунни сўйлаб эрдим...

Туман Оғо (кўзёшларини тия олмади) – Бу не кўргулик, бибим? Соҳибқирон ҳазратларига, ул жаннатмаконнинг руҳларига иззат шулму?

Бибихоним – Осмон узок, ер каттиқдур, маликам! Арконни узун ташланг.

Тўкал хоним – Ё, Тангрим! Бу қадар инсофсизлик бўлурму, бибим! Бул зоти паст жорияга тақдиримиз қолдимму?

Рухпарвар Оғо – Деворнинг ҳам қулоғи бор. Тақдирда борини кўрмай илож йўк!

Тўкал хоним – Сизга осондур, маликам!

Рухпарвар Оғо – Қани ичкарига бошланг, қолганини у ёқда кўриримиз.

(Хамма дарвазадан ичкарига кириб кетади. Саҳна короғулашади)

Еттинчи кўриниш

(Самарқанд. Кўксарой. Хонзода бегим ва яшил зар хилъат кийган шахзода Халил Султон кириши билан мусиқа садолари янграб, вазирлар, амирлар, беклар, лашкарбошилар, мулозимлар, элчилар – барча-барчаси ўрниларидан даст турганларича, уларни олқишлар билан кутиб олишади. Халил Султонининг белида соҳибқироннинг олтин камари, камарда эса олмос кўзли дамашққиличи осилган. Хонзода бегимнинг эгнидаги либосларда мотамни эслатувчи бирор белги йўк, рўмолидан тортиб камзулигача пушти ва нафармон рангларда эди. Унинг ёнида маликаларга хос шоҳона оппоқ либосларга бурканган Шод Мулк канизлари ҳамроҳлигида чиқиб келади. Бибихоним кўнглидаги ғалаённи кўрсатмаслик учун маликаларга қарашдан кўрқиб, ерга тикиларди ва Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони бағрига босадилар)

Тўкал хоним (шивирлаб) – Ё, тангрим! Васият не бўлди?

Туман Ого(секин) – Не бўлурини ҳозир кўрурсиз!

(Самарқанд шаҳри ҳокими Арғуншоҳ икки мулозими билан олтин патнис тўла тилла тангалардан ҳовучлаб, олдин шахзода Халил Султоннинг, кейин Шод Мулкнинг бошларидан сочади. Тангаларнинг жаранги одамларнинг қутлов ва хитоблари билан қоришиб кетади. Хожа Юсуф совға-саломлар билан Халил Султон томон бориб уни табриклайди)

Тўкал хоним (секин) – Бибим, ул бетавфиқ амирға боқинг, ҳозир байъат қиладур!

Мавлоно Бадриддин(ўртага чиқиб) – Азизлар! Барчангизга маълумки, соҳибқирони аъзам ҳаётликлариди севимли набиралари, Оллоҳ раҳматига олган шахзодаи жувонбахт Муҳаммад Али, яъни Муҳаммад Султонни қонуний валиаҳд қилиб эрдилар.Шул боис, шахзодаи жувонбахт Халил Султон ҳазрати олийлари хонлиқ тахтига шахзодаи жувонбахт Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони ўтказмоқни тиладилар!

(Мунажжимнинг сукутидан фойдаланган Арғуншоҳ томоққирганича ўрнидан туради)

Арғуншоҳ - Ҳазрати олийлари, изн берингсўзламоққа.

Халил Султондан – Марҳабо, жаноб Арғуншоҳ, фақат Мавлоно сўзларини тугатсинлар.

Мавлоно Бадриддин – Сўзим битди, ҳазрати олийлари.

Арғуншоҳ – Мавлоно Бадриддин мунажжимнинг сўзларига жиндай қўшимча киритмакка журъат этганим боис, аввало, сиз ҳазрати олийларидин ва барча машварат ахлидин узр тилармен!Маълумингизким, соҳибқирони аъзам ҳамма юмушларни барча бирлан баробар маслаҳатлашиб, кенгашиб, сўнгра ижро этмоққа амр берур эрдилар. Худди шунингдек, ҳазрати олийлари, шахзодаи жувонбахт Халил Султон Мирзо ҳам кенгашиб, «хон»лик тахтига Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони лойиқ кўрдилар!Оллоҳга шукурлар бўлсинким, аждодлар орзу этган кунларға етдүк, яъни хонлиқ ўзимизга, ўз миллатимизга насиб этди. Чингизийлар сулоласидин Темурийлар авлодиға ўтди!

(Даврада «офарин, юзимиз ёруғ бўлди!» деган ҳайқириклар янграйди. Арғуншоҳ Бибихоним кучоғидан Жаҳонгир Мирзони тортиб олиб, етаклаб, Халил Султон ёнига олиб боради. Халил Султон шахзодани бағрига босиб, пешонасидан ўпгач, Арғуншоҳ энди унга мурожаат қилади)

Арғуншоҳ - Бугундин эътиборан то балоғат ёшиға етгунингизга қадар, ҳазрати олийлари Халил Султон жанобларининг изминда бўлурсиз.

(Арғуншоҳ шахзодани қўлидан етаклаб, тахт ёнига тўшалган оқ кигиз томон юради. Тўрт навкар кигизнинг тўрт бурчидан тугдилар. Жаҳонгир Мирзо нима қиларини билмай дам Арғуншоҳга, дам Халил Султонга қараганича эргашди ва бувиси Хонзода бегимга қараб қўяди. Хонзода бегим «муборак бўлсун» дегандай ўнг қўлини кўксига қўяди. Арғуншоҳ Муҳаммад Жаҳонгир Мирзони Мавлоно Ҳайбатуллоҳга топширади. Мавлоно шахзоданинг қўлидан тутиб, кигизга ўтказади. Навкарлар кигизни уч бора кўтариб, сўнг ерга қўйгач, Мавлоно Ҳайбатуллоҳ сикка ва хутбани шахзода Халил Султон номига ўқийди)

Халил Султон(хурсандлигини яшилаолмай)- Арғуншоҳ мирзо меҳмонларни базмга чорланг!

Арғуншоҳ (баланд овозда) - Ҳамма намозшомда Боғи Чинорда уюштирилаётган базмга боришлари лозим.

(Хамма аста-секин тарқалади.Бибихоним олдига канизак киз келиб уларни тўхтади.)

Қиз – Ҳазрати олиялари, малика Шод Мулк – офтоб оймнинг сизларға алоҳида сўзлари бор!

Тўкал хоним – Қолмоғимизнинг боиси недур, хур қиз?

Қиз (қиқирлаб кулиб) – Ҳазрати олияларидин сўраб билурсиз, ҳурматли... маликам... йўқ, бул сўз энди сизга тўғри келмас. Лек ўзингиз кўп гўзал сўз топиб бердингиз. «хур қиз!» Бул сўз сизга-да хўб ярашур. Зотан, бир, йўқ, икки ой «хур қиз» бўлгансиз!

Тўкал хоним – Йўқол кўзимдин, ялоқхўр!

Қиз – Алам қилса, тилингни тий!

Тўкал хоним – Эшитдингизму? Тақдиримиз не бўлишини эшитдингизму!

Рухпарвар Оғо – Ўзингизни босинг, маликам. Элдин бурун хулоса чиқарманг!

Тўкал хоним – Сиз ул манжалақини билмассиз!

– 3 **Рухпарвар Оғо** еро, шаҳзодани яхши билурмиз!

Тўкал хоним – Шаҳзоданғиз аллақачон «минди»* бўлганидин хабарингиз йўкму?

Рухпарвар Оғо – Жим,бул сўзни эшитишса, барчамизнинг бошимиз баробар кетур.

Тўкал хоним - Канизак бўлгандин кўра ўлдурганлари афзал! Кўрурсиз, сўзим ўтирик чикса, юзимға туфуринг. Унга қолса, Бибимизни ҳам кимгадур «инъом» этур!

Бибихоним - Астафируллоҳ! деганича калима қайтарди.

(Туман Оғо эса юзларига кафтини босиб, йиғлашга тушади)

Қиз (баланд овозда) – Маликамиз ҳазрати олиялари ташриф этмоқдалар!

(Даврага Шод Мулк ва ёнида Хонзода бегим кириб келади. Бибихоним ўрнидан тургач, бошқа маликалар ҳам беихтиёр кўзғалишади. Тўкал хоним гудранганича, ҳаммадан кейин қимирлайди. Хонзода бегимнинг юзларида хижолатга ўхшаш ғалати бир ийманиш акс этиб турар, ҳаракатлари ҳам қовушмаётган эди. Шод Мулк эса тамоман ўзгарган, ўзини тутишида, қарашларида ҳокимона бир ифода зоҳир эди. У Бибихоним билан сўрашгач, қолган маликаларга шунчаки бош ирғаб қўяди. Тўкал хонимнинг қизарган кўзларини кўриб, энсаси қотади)

Шод Мулк – Бугун мотам маросими эрмас, шаҳзодаи жувонбахт Халил Султон ҳазрати олийларининг тахтга ўлтурган қутлуғ кунлари! Маликам, билмаганларға билдириб қўйунг. Қошук навбат билан айланур. Тангри таолонинг инояти бирлан қошук навбати бизға келибдур. Тақдирлариға тан бериб, бизнинг нағорамизға-да ўйнаб кўрсунлар.

(Хонзода бегимға Шод Мулкнинг гаплари ёқмаётгани юзларидан кўриниб турарди. Шу боис, унинг сўзларига жавоб бермай, маликалар билан сўрашмоққа тутинади)

Шод Мулк – Бибим, Боғи Чинорда базм ўтказмоқ хабарини сизға етказиб улгурдиларму, йўкму, билмасмен. Балки «азадорлар кўнгулға базм сиғмас» деган андешада айтишмаган чиқар. Ҳазрати олийлари бир қарорға келгунлариға қадар барчангиз Кўксаройда бирга туришга амр этдилар. Сиз эрса, бибим, Боғи Чинорға эртага борурсиз, баъзи нарсаларни ойдинлаштирмоқ зарур!

(Тўкал хоним ўзини тутолмай йиғлаб юборади. Шод Мулк ғазаб билан у томон ўгирилди-ю, қайнонасининг «ўзингизни босинг, маликам» деган овозини эшитиб, шаштидан тушади. Бибихонимнинг жавобини кутмай, Хонзода бегимға «орқамдан юринг» ишорасини қилиб, йўл-йўлакай сўзлайди)

Шод Мулк – Боғи Чинорға тезроқ бориб, ўзингиз бош-қош бўлунг. Базм кўнгулдағидай ўтмоғи шарт. Ўғлингиз, ҳазрати олийларининг феълларини яхши билурсиз. Бибим! Сизни ҳазрати олиялари чорлаб турурлар!

(Шод Мулк чиқиб кетади. Бояги канизак саропардани қия қилиб, яна кўриниш берди ва гўё ўзи маликадай қолганларға бурнини жийиради. Тўкал хонимнинг жиғига тегиш учун истехзоли томоққиради. Ўз хаёли билан бўлиб, унинг гапини унча тушунмаган ва Бибихоним билан бирга ўрнидан кўзғалган Туман Оғони жеркиб ташлайди.)

Қиз – Аниқ-тиниққилиб «Бибим» дедим, хоним. Сиз баҳузур ўрнингизда ўлтуринг! Керак бўлса, чорлашур!

Тўкал хоним- Елпатак!

Қиз – Биз ҳам эрдик сиз киби, сиз ҳам бўлдунгиз биз киби! Бир жойларим роса ачишиб кетаётур!

Тўкал хоним - Ҳозир ўлдирамен! Ўлдирамен, сен манжалақини!

(Канизак ура қочади. Маликалар Тўкал хонимға ёпишишади. Бибихоним унинг елкасидан кучиб, бағрига босади.)

Бибихоним – Сиз маликасиз, кичик маликам! Маликалар ўзини қандай тутмоқни канизаклардин кўра яхшироқ билурлар!

Рухпарвар Оғо – Бибим ҳақ гапни сўйладилар, маликам!
Бибихоним – Тентакни қочғон тарафига қараб қувмоқ керак!

(Ҳамма Бибихонимнинг ортидан юради. Саҳна қоронғулашади.)

Саккизинчи кўриниш

(Девонда уч киши: шаҳзода Халил Султон, Шод Мулк ва Бурундук Барлослар бор эди.

Устки кийимларини алмаштириб олган Халил Султон бобосининг курсисида ястаниб ўтирарди.

Бурундук Барлоснинг кайфияти кўтаринки эканлиги юзларидан кўриниб турарди. У нима ҳақдадир куйиниб, лекин паст овозда гапирмоқда эди. Бибихонимнинг қадам товуши уларнинг суҳбатини бўлади. Халил Султон шошиб ўрнидан кўзгалади. Бурундук Барлос эса кутилмаган бу учрашувдан эсанкираб, нигоҳини Бибихонимдан олиб қочади. Юраги қинидан чиккудай бўлиб урганича, ички безовталиқдан қуруқшай бошлаган юпқа лабларини ялайди. У Бибихонимнинг ўткир назари таъқиб этаётганини ҳис қилади)

Бурундук (Шод Мулкка) – Мени маъзур тутгайсиз, маликам, кейин келгаймен.

Бибихоним (унинг ортидан) - Инсонлар оз фурсат ичинда ҳам бутунлай ўзгаришлари мумкунму. Кечагина мушфик, қўй оғзидин чўп ҳам ола билмайдурган хокисор, кўзларимга тик қараш маҳол беозор кимса эрди. Бир сўз айтмоқ учун бир, икки, ҳатто ўн кун журъати етмасди, энди эрса, Оллоҳнинг каломи бўлмиш салом-алиқнинг қарзлигини ҳам унутиб, мунофиқлик ниқобини киймиш...

Шод Мулк – Келинг, бибим, мархабо. Айни лаҳзаларда,. Ҳазрати олийлари учун сўз сўйламоқ жуда оғирлигини сиз яхши билурсиз. Бироқ вазият тақозоси бирлан. Хуллас, бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув...

Бибихоним – Дон бирлан сув эрса текинга келмайдур...

(Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Бибихоним шаҳзоданинг чорловини энди англай бошлаган бўлса-да, Шод Мулкнинг гапига жавоб бермаади, давомини кутади. Халил Султон эса ер остидан Бибихонимнинг ҳолатини кузатади)

Шод Мулк – Ҳазиначининг берган маълумотлариға кўра, хазиналар калити иккитадан бўлиб, иккинчиси сизда эркан, шундайму?

Бибихоним – Шундай.

Шод Мулк – Калитларни... яъни, сиздаги калит нусхаларини қачон олсак бўлур?

Бибихоним – Калитлар Боғи Чинорда, амр этсангиз, хозироқ келтирурмен...

Шод Мулк – Боғи Чинорда бўлса... йўқ, бул юмушни эртага қолдирурмиз. Бугун ҳазрати олийларининг фурсатлари етмас.

(Бибихоним гап тугади деб ўйлаб, ўрнидан кўзгалмоққа, чоғланади)

Шод Мулк – Бибим, яна бир лаҳза сабр этурсиз! Бир масалада маслаҳатингизға муҳтожмиз. Яъни, ҳазрати бобомизнинг завжалари масаласи...Очиқроққилиб сўйласам, айб этмассиз деган умиддамен. Чунки уларнинг кўпчилиги ёш, яъни, ҳали яшагиси, янгитдан ҳаёт қургиси келаду. Уларнинг уволиға қолмайлик деган маънода...

Бибихоним – Раҳматлик бобонгизнинг завжалари сиз учун она, биби кибидур, шаҳзодам! Шул боис, уларни бобонгиз даргоҳидин қувмоқ гуноҳи азимдур ва бундай маломатға қолишни сизға асло раво кўрмасмен. Зеро, бу холислиқнинг носоғи сизғада тегаду!

Шод Мулк – Уларни ҳеч ким қуваётгани йўқ.

Бибихоним – Қувмоқ бирлан эрга бермоқнинг фарқи биттаду, янглишмасам!

Шод Мулк – Сиз қарисиз, бибим, сизнинг нафсингиз ўлғандур, балки... Лек қолганлар ҳали ёш...

Бибихоним – Бундай сўзларни сўйлаш сизға ярашмас. Ҳазрат бобонгизнинг чироқларини ёкиб ўлтиришимизға изн беринг, шаҳзодам. Чунки бул бевафо дунё ҳаммамиздин қолур...

(Бибихонимнинг кўзларига ёш қалқиб, овози титраб келади ва чирок нури факат Бибихонимни ёритади)

Бибихоним - Ё, танграм! Бу не ёзук, бу не қисмат бўлди? Ёки аввалим ҳам, охири ҳам обод бўлур» деб кўп ишониб юбордимму? Танграм, бул не сир, бул не синов?! Ё ўзингга такаббурлик қилдимму? Ёхуд умрим шоминда пешонамга битилгани шул аччиққисматму? Энг аччиққисмат шаробини ичдим-ку! Бундин ортиқ яна не бўлиши мумкун?

Темур овози (акс-садо билан эшитилади) - «Сиз хато қилдингиз, бибим...»

(Бибихоним қулоқлари остида соҳибқироннинг шивирлаган нафасини ҳис этгандай бўлади).

Бибихоним - Ҳа, ҳа мен хато қилдим, улуғ Амирим! Нега сиз, менинг сўзларимни тингладингиз?! Нега бул илонни ўзингиз янчамадингиз? Мен, тирноққа зор бир бандаи ожизингиз, бул юзи қаро жувоннинг «ҳомилам бор» деган ёлғонлариға, қасамлариға ишонибмен. Унинг вужудидағи авлодингиз менинг айбим бирлан завол топмасин деб андеша қилибмен. Амирим, армонли фарзандсизлигим панд бермиш... Тушларимдағина аллалар куйлаб тебратганим гўдақларимға менгзабмен уни!

Темур овози- «Нечча бор сўйладим, бибим! Унинг вужудида ҳомиладин асар ҳам йўқ! Норасидаси бўлган ожиза ул киби боқмас, дояға кўрсатунг демадимму?»

Бибихоним - Дедингиз, Амирим! Мен эрса шахзода Халил Султоннинг ялиниб-ёлворишлариға, кўзёшлариға дош бера билмадим. Сизнинг ҳузурингизға элчи бўлиб киришимға рағбат кўрсатган Пир Муҳаммад Мирзонинг юзидин ўтолмадим. Амирим, ҳамма айб ўзимда! Лекин энди не қилай? Бошимни қайси деворларға уриб бўзлай? Нега бизни бул йирткичлар қўлиға ташлаб кетдингиз! Атрофимизда товус каби товланиб юрган бул касларнинг илонлигини, бўрилигини сиз яхши билар эдингиз-ку! Оҳ, Амирим... энди не бўладур! Бул очик бошимизға не савдолар тушуб, не кўргуликларни кўрурмиз?» «Энди пешонангизда не ёзук бўлса, ани кўрмакдин ўзга чора йўқ, бибим. Менинг кучим, кудратим, салоҳиятим – барчаси умидларим бирлан бирга ул фоний дунёнинг қаро туфроқлариға кўмулди. Пешонамнинг шўри улки, аларни ўз зурриётларим кўмдилар, бибим... Энди сасларимгина кўнглунгизға таскин, далда бўлмоғи мумкун, ўзгасиға ожизмен. Мен ҳаёт берган, улғайтирган, меҳр қўйган ва ишонган дилбандларимнинг аҳволи руҳиятини кўриб турубсиз. Балки билиб-билмай қилган гуноҳларим, густоҳликларим эвазиға юборилғон жазодур булар! Лек бул жазоларни ўзим кўрмоғим, бул жабру ситамларни ўзим чекмоғим керак эрди. Билурмен, бибим, энди сўйламакдин наф йўқ. Лек бир нарса аниқки, улар ўз хоинликлари худбинликлари, очқўзликлари бирлан бир-бирларини еб битирурлар. Зеро, қилмишу қидирмишнинг охир-оқибати шул бўлғай! Фақат, биз не-не умидлар бирлан тиклаган, қанча-қанча шахидлар эвазиға бунёд этилган, қаддини ростлаган, бир бутун тугал эл бўлиб бирлашган туркий улус, улуғ Ватан – Туркистон, Турон замин вайронаға юз тутмаса, нурамаса, тўзимаса бўлгани...

(сахна қайта ёритади)

Бибихоним (ўзига келиб,секин) -Ҳа, бул бевафо дунё ҳаммамиздин қолур...

Шод Мулк – Бул сўзларни сўйламакдин мақсадингиз не? Бул дунё сиздин ҳам қолур демокму муродингиз?

Бибихоним – Худди шундай, маликам, бул кўхна дунё барчамиздинда қолур...

Шод Мулк – Мен сизга нима деб эрдим? Ҳазрати бобонгизни худди биз ўлдирган киби аччиққилишларини кўрдингизму!

Бибихоним – Мен аччиқ қилмадим, шахзодам. Сиз билурсиз, бошимға қилич келса-да, рост сўйлармен. Биз ожизаларға ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Бир корнимиз тўйса, эгнимиз бут бўлса, бас. Тўртталамизға битта хона берсангиз ҳам етар, ҳазрат бобонгизнинг чироқларини ёқиб, дуосини қилиб ўлтурайлук. Раво кўрмасангиз ҳам ўзингиз билурсиз...

(Халил Султонга Бибихонимнинг сўзлари таъсир қилгани сезилиб туради. У кўзларини дам шифтга, дам ён-атрофга, дам Шод Мулкка тикар, лекин бибисига қаролмайди.)

Халил Султонга – Бибим... буни беодобчиликка йўйсангиз, узр тилармен. Лек бул қарорға мен ёки келинингиз келгани йўқ. Кўпчиликнинг йўл-йўриғидин сўнг... Лек, аввало, сиз бирлан маслаҳатлашишға қарор бердик. Шул боис, сиз не десангиз шул бўлур!

Шод Мулк – Бибим, «шариатда шарм йўқ», дейдилар. Расми шул бўлгач, иложимиз қанча? Барча бевалардин уч маротаба сўраш лозим эрмиш!

Бибихоним – Ҳазрати соҳибқирон «барча»лар қаторига кирмайдур. Шул боис, уларнинг завжаи муҳтарамаларини («малика»ларини демоқчи эди, лекин киноя билан термилиб турган Шод Мулкнинг энсасини баттар қотирмаслик учун оддий сўз ишлатиб қўяқолди) хор этмак ҳазрат бобонгизнинг руҳларини топтамоқ бирлан баробардур. Улуғ Амир Темур киби инсон қадамда учрамас, йилларда, асрларда туғилмас. Худонинг инояти бирлан ва бахти кулган эл бошига берилур. Чунки ул зоти мукаррамга қадар ҳам не-не деган шохларни, султонларни кўрмаган бул туфроқ. Шох бўлмоқ, тахтга ўтирмоқ бошқа, элни бошқармоқ ва давлат қурмоқ бошқа...

Шод Мулк – Фикри ожизимча... ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзо бул сифатлардин йироқ демоқчимусиз?

Бибихоним - Ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзони мен гўдаклик чоғларидин бери билурмен. Шаҳзода бағримга келганларинда икки ойлик чақалоқ эрдилар. Шул боис, бундай номақбул фикрлар менинг хаёлимга зинҳор-базинҳор келмас. Чунки бобосининг ишонган тоғларидин бири ҳам мана шул шаҳзодаи жувонмард эрди.

(Бибихоним шундай деганича шаҳзодага тик қаради. Халил Султон Бибихонимнинг гапини эшитмагандай кўзини бошқа ёққа олади)

Бибихоним – Шаҳзодам, сиз ёлғиз ўзингизни улкан уммонга ташлаётирсиз. Бул уммон...

Халил Султон (қўлидаги тасбеҳни шарт эткизиб, тахт суянчиғига урди) – Ҳазрати бибим! Биз ҳам кичик бўлмадик. Бизнинг ҳам ўзимизга яраша ақлимиз, фаросатимиз бор. Қолаверса, маслаҳатгўйлар ҳам чандон серобдир!..

Бибихоним – Энг ёмон душман пушаймонликдур. Мен билганларимни пеш қилиб эрмас, бул бошим кўрганларини, кечирганларини ибрат билиб, сизни оловдин, оташдин огоҳ этмоқдамен, холос!

Халил Султон – Ҳатто жаҳаннам, оловни ҳам, оташни ҳам сўндирмакка қурбимиз етадур, бибим, сиз ташвиш чекманг! (ияклари титраб) Сиз тарбияласангиз ҳам, тарбияламасангиз ҳам мен барибир шаҳзодамен! Бу билан моҳият ўзгармайди. Сиз бўлмасангиз бу юмушни бошқа маликалар бажарар эди!

Бибихоним – Узр тилармен, шаҳзодам, ўртамиздағи инсоний ришталар аллақачон узилганини, хаётингизда ҳеч қандай аҳамият касб этмаслиғимни ва ҳеч нарсага ҳақким йўқлиғини бул гумроҳ бибингиз кеч англамиш... Бул дунёни ҳар кас ўз қаричинда, ўз билганича ўлчайдур. Ундан ортиқча нарса кутиш чиндан-да гумроҳликдур. Лек кетар чоғим, сизга ўзингизнинг ўша тўрт сатрингизни ўқиб бермоғимга изн беринг.

(Халил Султон бибисига ялт этиб қараркан, «ақлдан озмадимикин» деган маънода шубҳа аралаш тикилди.

Бибихоним бундан уч ойгина илгари шаҳзода севгилисига атаб ёзган ва кўзёшлари ила ўқиб берган сатрларини худди ўзининг келажагидан башорат қилиб битилгандай, қайтара бошлади:

Бибихоним - Сизда куйлар ёр-ёрлар, бизда фиғондур бу кун,
Не ҳам дердик, рақибларнинг куни туққондир бу кун...
Сизнинг сархуш қадаҳлардин қайнаб-тошар қувончлар,
Бизнинг гулгун жомлар эса лиммо-лим қондур бу кун...

Шод Мулк – Унда нечун валиаҳдликни Пир Муҳаммад Мирзога васият қилдилар? Бунинг сабабини мендин кўра, сиз яхши билурсиз... Кўрдингизму? Айбдор яна менмен!

Халил Султон - Ўтган ишга саловат. Эски гапларни қўзғашга ҳожат йўқ. Пешонада не ёзуқ бўлса кўрурмиз, бибим. Вақт – ҳакам, дейишган...

(Шаҳзода суҳбатга яқун ясамаса, иш чигаллашини ўйлаб, Шод Мулкка маъноли қараш қилди. Ғазаб исканжасида дам кизариб, дам бўзараётган Шод Мулк эрининг жавобидан қоникмасе-да, сўз қўшмоқдан ўзини тийди. Хаёли чувалашиб, ўзини йўқотган кўйи ўрнидан қўзғалаётган Бибихонимнинг эшиқдан чиқишини кутиб туради. Бир оздин сўнг Хонзода бегим киради)

Хонзода бегим (жимлик сақлаб) – Оғангиз Пир Муҳаммад Мирзо хусусинда ҳам, раҳматлик соҳибқироннинг васиятлари борасинда ҳам ҳеч нарса демасмен. Чунки иккингиз ҳам мен учун жону жигаримдин пайдо бўлган

фарзанди қобилсиз. Жаннатмакон улуғ Амиримиз ҳам ҳар иккингишни бул шарафга дохил кўрур эрдилар. Менинг ўтинчим бошқа ёқда, яъни, бибингиз хусусиндадур. Бибингизнинг кимлигини бошқалардин кўра сиз, яхшироқ билурсиз, шаҳзодам, – деди ниҳоят гап бошлашга жазм этган Хонзода бегим ва Бибихоним номини эшитган Шод Мулкнинг юзида илкис пайдо бўлган совуқ ифодани дарров илғади. – Билмасангиз... билдириш менинг бурчимдир! Эски иморатни бузмоқчи бўлган одам уни синчидан эрмас, болоридин бошлаб бузадур. Янаям аниқроғи, янгисини тузмасдин туриб, эскисини бузмайдур. Бибингиз бобонгиз қурган салтанатининг устунларидан биридур. Ул устунни қулатсангиз, билингки, салтанатдин путур кетадур. Ҳатто, нина бирлан қудуққазилган киби минг машаққатлар бирлан тикланган давлат завола топмоғи ҳам мумкун...

(Шод Мулк «жавоб қайтарсангиз-чи» деган маънода шаҳзодага бетоқатлик билан қарайди. Шаҳзода эса пинагини бузмайди.)

Халил Султон – Етмишга кирган бобомиз баҳоли қудрат тебратган давлатни эпламоққа бизнинг ҳам кучимиз етар, волидам. Бул ёғини бизга қўйиб беринг!

Хонзода бегим – Ҳалво деган билан оғиз чучимас. Қалбингизда юрт, эл, улус, миллат ҳақиндаги тушунча бус-бутун шакланмай туриб, уни бошқармоқ жуда мушкул. Она юрт ҳақинда гўзал ғазаллар битмоқ бошқа, кези келганда, зарурият туғилганда унга жонни фидо қилмоқ, ҳатто энг азиз, севимли нарсангиздан воз кечмоқ бошқа! Бизнинг қарашларимиз ва фикрларимиз, ҳаттоки мақсадларимиз турфа хил бўлиши мумкун. Лекин Ватан, юрт ва эл-улуснинг маъно-мазмунини битта! У худди думалоқ шарға ўхшаб, қай тарафидан, қай кўз билан боқсак-да, бир хил кўринадир. Шул боис, уни муштарак англамоқ, бир-бирига уйғунлаштирмоқ, яъни дунёга бир кўз-ла боқмоқ, уни бир юрак-ла севмоқ керак. Ҳатто, бир-биримиз бирлан ит-мушук, рақибу душман бўлсак-да, мана шул мамлакатимиз, давлатимиз, улусимиз учун бирлашмоғимиз лозим. Бироқ бирлашмас экансиз, тўзарсиз, астағируллоҳ...

Шод Мулк – Алҳазар! Оғзингиздин шамол учирсин! Яхши ният қилинг, маликам!

Хонзода бегим – Юз бераётган фожиалар сўзимнинг исботи эрмасму? Шаҳзода Хусайн Мирзо не юзи қаролинг қилди? Оғангиз Абу Бакр Мирзо, Умар Мирзо-чи? Қай бирини сўйлай?!

Халил Султон – Ҳаммасини билурмен, волидам! Такрорламоққа не ҳожат?

Хонзода бегим - «Бўлинганни бўри ер», дерлар! Салтанатингизда шавкатли, тажрибали амиру беклардан кимлар қолди?

Халил Султон (қичқириб) – Барчаси хоин уларнинг! Бобом ҳазратларининг тузлуғига туфурган ул каслар менга чуқур қазмайди деб ўйлайсизму?

Хонзода бегим – Аввало, сиз садоқатли бўлинг эрди! Зеро, бобонгиз ўз садоқати бирлан уларнинг жиловини тутиб келди. Ҳар бирининг ақлига қараб қадрлади, салоҳиятини, кучини ўлчаб, мартаба берди, нафсонияти қонар даражада сийлади. Сиз эрса ҳаммани ўзингизга душман этмоқдасиз. Бобонгизнинг руҳидан кўркмайсизму? Бибингиз бобонгизнинг суюмли умр йўлдошигина эмас, барчамизга волида кибибир. Яна шуни унутмангки, барча шаҳзодалар бибингиз бирлан ҳисоблашурлар (Хонзода бегим эшик томон юради).

Шод Мулк – Маликам, фарзанди қобилингизни дуо қилсангиз, бас, сиздан... бошқа ҳеч нима сўрамасмиз!

(Хонзода бегим эшиккача кузатиб чиқаётган Шод Мулк билан хайрлашмай чиқиб кетади.
ва сахна аста-секин қороғулашади)

Тўққизинчи кўриниш

Бошловчи - Бобосининг ўлимидан хабар топган амирзода Султон Хусайн Мирзо воқеа тафсилотини сўраб-суриштиришга ҳам сабри чидамай, Хитой юришига тайёргарлик кўраётган Саброндаги қўшиндан энг саралари: камон, найзаю қилични бир хилда ўйнатадиган суворийлардан мингтасини ўзи имтиҳон қилиб, ажратиб олди-да, ўша куннинг ўзидаёқ Самарқанд сари отланди. У нима бўлишидан қатъи назар, ҳозир фурсатни қўлдан бой бермасликни ўйларди. Назарида, у кутган, у орзулаган кун келганди...

(Хусайн Мирзо чодир)

Султон Хусайн Мирзо (ёлғиз) - Шахзода Халил Султон Мирзо ўз қилмиши бирлан менинг қароримни тезлатди, холос ва ҳеч иккиланмай, тахтга даъво қилишимга йўл очиб беради. Энди бошқа шахзодаларнинг олдинда юзим шувит бўлмайду. Чунки унинг ҳам тахт даъвосига ҳаққи бор! Амир Қиёмиддин Тархон айтганидай, ишни амиру бекларнинг сўзи ўтадиғанларини ўз томонимга оғдириб олишдан бошлашим керак, айниқса, тили маҳкамларини! Бул ишга бибим бош-қош бўлса, жуда зўр бўлар эрди. Чунки очкўз амиру беклар бирор нарсани кўришмаса, офтобга чиқишмайди. Ўшал нарса эрса бибимда бор. Ҳеч бўлмаса, энди ўшал севимли «ўғай» набираси, бобосининг юз-хотирини ҳам қилмай, Самарқанд дарбозаларини юзига шарақлатиб ёпғанидан сўнг кўзи очилғандир бибимнинг. Шоҳрух Мирзодан тортиб, мана шул Халил Султонғача, худди ўзи тукқандай қайишар эрди. Бир ҳисобда, киритишмай ажаб қилишди! Йўкса, биби ўла-ўлғунича ўшаларга сиғиниб, чўкиниб ўтар эрди!

(Сахнага Амирлари Қудрат Али товачи билан Қиёмиддин Тархонлар кириб келади)

Султон Хусайн Мирзо – Ҳар бир амирға бир шаҳар ҳокимлигини берурман, кўрурсиз, менинг паноҳимда ҳеч бир амир, бек сийловсиз қолмас, ҳеч бирининг бурни қонамас!

Қудрат Али товачи – Узоқдағи буғдойдан, яқиндағи сомон яхши деганларидай, биз ҳам куруққолиб кетмайлик, амирзодам!

Султон Хусайн Мирзо – Сизнинг ҳақингиз токчада! Худо ҳаққи, иккинги ҳам ваъзири аъзамларимдан бўлурсиз!

Қудрат Али товачи – Қуллук, шахзодам, қуллук! Лекин ул ерда бобонгиз саройининг ҳидини олған ҳар тозилар борки, бизни вазири аъзам қилдириб кўярмикин?

Султон Хусайн Мирзо – Мени билмағандай гапирасиз-а, товачи!? Мен ўша пайтдаёқ, яъни, бобомиз тириклигидаёқ ўзимнинг кимлигимни кўрсатганмен. Ё гапим нотўғриму?

Қудрат Али товачи – Илло, тўғру, амирзодам!

Султон Хусайн Мирзо – Хотинчалиш шахзодаларингизга ўхшаб, бобом ҳазратларининг олдиларинда сўзимни ичимга ютиб, юз-минг тавоззе бирлан лаганбардорлиқ қилмағанмен. Ёхуд бирор бир баҳона бирлан жангдан қочганманму?! Жаҳон султониман деб керилған ўшал Усмонлилар ҳукмдори Қайсар Боязидни кимнинг кўшини энг биринчи маҳв этди?

Қудрат Али товачи – Сизнинг-да, амирзодам! Боязиднинг ўғли шахзода Сулаймон Чалабей сизнинг лашкарларингиз ҳужумиға дош беролмай қочғач, қолған ўғиллари Мусо ҳам, Исо ҳам, Мустафо ҳам сичконнинг инини минг тангага сотиб олишдию! «Енгилмас» лақабли серб куёви Лазаричнинг шайтонлаб қолғанини эслайсизму?!

Қиёмиддин Тархон – Фақат ғалаба шахзода Муҳаммад Султоннинг ҳисобиға ёзилғани чатоқ бўлди!

Султон Хусайн Мирзо - Бобомиз валиаҳд набираларининг обрўсини оширмоқ учун шундай қилиб эрди! Худоға шукурки, бобомизнинг хатосини оллоҳ тўғрилади!

(Қудрат Али товачи «астағфуруллоҳ» дегандай норози киёфада, ялт этиб, Қиёмиддин Тархонга қарайди. Қиёмиддин Тархон эса амирзодага сездирмай, бош чайқайди)

Қудрат Али товачи – «Кимдир захарлади» деганлари рост-а, амирзодам, чунки касалликдан ўладиган йигит эрмас эрди. Бир ўзи манман деган ўнта йигитға бас келар эрди, раҳматлик.

Султон Хусайн Мирзо – Балки...Чунки валиаҳд бўлғач, босар-тусарини билмай қолиб эрди, ул шахзодаи жувонбахт, кимнингдур қитиқ патиға теккан бўлса...

Қиёмиддин Тархон – Тўғри, тўғри, амирзодам, шахзода Умаршайх Мирзонинг қайсидир бир ўғилларини Андижондан Самарқандға чақиртириб, зиндонбанд қилғанларидан хабарим бор!

Султон Хусайн Мирзо – Офарин! Эсингизда бор эркан! Майли, ўтған ишға саловат! Ҳозир калламизни эски гаплар бирлан ачитмай, оғзимиздағи луқмани қандай қилиб, зиён захматсиз ютмоқни ўйлашимиз керак! Боя айтганимдай, менинг қароримға қарши бормоққа саройдағи қайси тозининг ҳадди сиғаду?

Қудрат Али товачи – Ким билсун? Шайх Нуриддин, Хожа Юсуф ва яна шунга ўхшаш уч-тўртта катта кўзимлар бор, амирзодам, улар бобонгиз даргоҳинда мансабнинг каттасига ўтириб, улушнинг сарасини олиб, таомнинг лаззатлисини еб ўрганишган!

Қиёмиддин Тархон – Кўзининг ёғини ялаб, денг!

Қудрат Али товачи – Ундай десам ҳам бўладур! Лек сўйлаганингиз каби чиндан ҳам улар сизнинг олдингизда ип эшолмайду, шаҳзодам!

Султон Ҳусайн Мирзо – Худди шундай! Мени билурсиз, амир, мен бобомга ўхшаб, етти тугул ҳатто, бир ўлчаб ҳам ўтирмаймен! Пачакилашмасдан, ё бор қиламен ёки йўқ! Менинг ҳукм юритмоққонуним мана шундай! Гапимга киришса, хўп-хўп, киришмаса, тўппа-тўғри асфаласофилунга кетадур!

Қиёмиддин Тархон – Менинг фикримча, энг аввало, бибингизни қўлга олмақ керак, амирзодам! Чунки асосий хазина бибингизнинг қўлинда!

Султон Ҳусайн Мирзо – Бибимизни Самарқандга кирғазмасликка журъат этган Халил Султон шу пайтгача хазиналарга эғалик қилмаган деб ўйлайсизму? Менга беришган маълумотларга кўра, барча саройлардаги хазиналар Кўксаройга келтирилган эмуш.

Қиёмиддин Тархон – Табиий. Чунки ҳозирги вазият шуни тақозо этадур. Лек, бибингизнинг қўлинда жуда камчилик одамларгагина маълум бошқа имкониятлар ҳам бўлиши керак!

Султон Ҳусайн Мирзо – Қандай имконият?

Қиёмиддин Тархон – Амирзодам, сиз, ҳазрати олийлари бобонгизнинг ер ости йўли ва саройи ҳақида эшитмаганмусиз?!

Султон Ҳусайн Мирзо – Буниси афсона! Бир вақтлар улуғ бобом Қозонхоннинг Занжир саройиндаги қасринда ҳам «ер ости йўли ва саройи бор» деб миш-миш тарқатишган, гап-сўз чиқазилган эркан. Лекин шу пайтга қадар ҳам ҳеч ким ҳеч нарса тополган эрмас!

Қиёмиддин Тархон – Қозонхоннинг ер ости саройи ҳақида бирор нарса дейишим мушкул, гарчи шундай миш-миш қулоғимга чалинган бўлса-да, лек улуғ Амиримизнинг ер ости йўли қурилишинда ишлаган одамни мен биламен.

Султон Ҳусайн Мирзо – Ул одам борму?! Тирикму?

Қиёмиддин Тархон – Биласиз, Соҳибқирон тириклик пайтлари бул сирни билган одамнингда, айтган одамнингда боши кетар эрди! Ҳалиям эшитганингизни ҳеч кимга сўйламанг, амирзодам, ҳатто бибингизга ҳам.

Султон Ҳусайн Мирзо – Ўшал одамни топиб бера оласизму?

Қиёмиддин Тархон – Топамен, иншооллоҳ., Самарқандга борғач, қиладурғон биринчи ишим шул юмуш бўладур!

Султон Ҳусайн Мирзо – Яшанг! Агар айтганларингиз рост чикса, улоқ сизга насиб этадур! Мансабнинг ҳам, мукофотнинг ҳам каттасини олурсиз, Тархон!

Қиёмиддин Тархон – Қуллуқ, шаҳзодам, қуллуқ!

Қудрат Али товачи (кулиб) – Қулоқ ҳақиям бордур?!

Султон Ҳусайн Мирзо – Ёнимда бўлсангиз, оғзимдаги ошимга ҳам шериксиз!

Қудрат Али товачи – Қулоқ ҳақи демай, тенг шерик бўлаверинг, амир! Аслида, мен билган одамни товачимиз ҳам яхши танийдур. Фақат эҳтиёткорлик қилаётир. Айтганларим ўтирик чиқиб қолса, бошдан айрилиб ўтирмайин деган андешада сукут сақлаётир!

(Амирзода «шу гап ростми» дегандай, Қудрат Али товачига шошиб ўгирилди. Товачи «ҳа» дейишини ҳам, «йўқ» дейишини ҳам билмай каловланади, сўнг амирзоданинг кўнглида ўзига нисбатан шубҳа уйғотмаслик учун тўғри деган маънода бош ирғайди. Лекин Қиёмиддин Тархонга бошимизни балога суқиб зарилмиди, дегандай зардали қараш қилади.)

Султон Ҳусайн Мирзо – Унда менинг амру фармонимни кутасиз! Мендин ҳимо бўлмағунча, ҳеч ким бул сирни билмаслиги керак ва биз кутган вазият пишиб етилмағунча шаҳзода Халил Султон Мирзога тобелик мақоминда бўлурмиз! Нима қилмоқ кераклигини, лозим бўлганда, ўзим айтамен!

Қудрат Али товачи – Албатта, амирзодам!

Қиёмиддин Тархон – Бошқача бўлиши мумкин ҳам эрмас!!

(Аста-секин чирок учади.)

Ўнинчи кўришиш

Бошловчи - Бобосининг ўлими Пир Муҳаммад Мирзо учун кутилмаган тарзда содир бўлишига қарамай, шаҳзода калавасини йўқотмаган эди. Хизр Қавчиннинг хабаридан сўнг Самарқанддаги ва ўрдудаги аҳволни мерида сиригача сўраб-суриштирган шаҳзода улуғ Амирнинг васияти сўзсиз бажарилишига, бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигига ўзини юзда-юз ишонтирса-да, тафсилотларни эшитиш ва воқеаларни муқояса қилиш жараёнида вазият ўзгариб қолишини, ҳатто тамоман тескари тус олиши мумкинлигини ҳам тахмин этди.

(Пир Муҳаммад Мирзо чодир)

Пир Муҳаммад Мирзо (қўлидаги мактубни олиб) – Бу мактубда, Шохруҳ Мирзо Соҳибкироннинг ўлими муносабати билан менга таъзия изҳор этиб, мени валиаҳдлик мақоми билан кутлабди ва бир умр падари бузруквори васиятига содиқ қолажани ва бўлажак ҳукмдор сифатида менга камарбасталик қилишини билдирибди ва мактуб сўнгида мени эҳтиёткорликка чақириб, Самарқанд сари бирга боришларини таъкидлабди.

Амир Шайх Баҳлул – Шохруҳ Мирзо диёнатли инсон, ул шаҳзода тарафидин сизга хавф-хатар йўқ ҳисоб. Менинг гумоним Мироншоҳ Мирзода.

Пир Муҳаммад Мирзо (Амир Озод Темурга) – Сиз қандай фикрдасиз, амир?!

Озод Темур – Менимча ҳам шундай! Умар Мирзони билмадим-у, лекин Халил Султон Мирзо ўлса ҳам бул қарорға рози бўлмайду!

Шайх Баҳлул – Мироншоҳ Мирзо шаҳзоданинг розилигини сўрайду деб ўйлайсизму?

Оқбуға – Ҳали ҳеч нарасин хабарингиз йўқму?

Озод Темур – Нимадан хабарим бўлиши керак?! Ким не деса, десун, қандай хаёл қилса, қилсун, лек улуғ Амримизнинг қарориға, на фақат қарори, балки васиятиға тутун қайтарадурғонлар ҳали онасидан туғилмаган!

Оқбуға – Онасидан туғилмоқ тугул, аллақачон тахтға ўтириб олган эмиш-ку!

Пир Муҳаммад Мирзо – Бул хабарни қачон ва кимдан эшитдингиз? (Шайх Баҳлулга)Нега бул гапдан мен хабарсизмен?! Оқбуға эшитган гапни сиз эшитмадингизму?!

Шайх Баҳлул – Кеча эшитиб эрдим, лек бул миш-мишнинг тагига аввал ўзим етай деган маънода сизга билдирмаган эрдим

Обид Афанди – Шаҳзодам, изн берсангиз, мен тушунтирсам. Кеча Мош табибниқига бориб эрдик...

У Самарқандга борган эркан, лекин борган куниёқ орқасига қайтиб эмуш. Чунки дарбозаларнинг ҳаммаси берк, киришни ҳам, чиқишни ҳам ясоқлаган эмушлар. Улуғ Амирнинг ўлими ҳақинда ҳеч ким ҳеч нараса билмасмуш. Дарбозабон ҳам «Халил Султон келиб, тахтға ўтирди» деган гапдан бошқа ҳеч нараса айтмабду.

Пир Муҳаммад Мирзо – Махфийлар бошлиғи қани? Уни нега таклиф этмадингиз?! Бурнимизнинг тагиндаги воқеалардин хабаримиз йўғу, тагин етти иқлим ҳукмдорлигини орзу этурмиз! Ҳалво деган бирлан оғиз चुчиғанда ҳамма хон, қўланкаси майдон бўлу эрди. Кечки машваратгача барча махфийлар, карвон эгалари, савдогарлар, ҳатто оддий миш-мишдин ҳам хабардор тешиқ кулоқ борки, барчасини йиғинг! Қандаҳорға чопар йўлланг, қўшун зудлик бирлан йўлга тушсун. Насафдаги лашкаргоҳда учрашиб, пойтахтға кириш тартибини келишиб олурмиз!

Шайх Баҳлулни – Шаҳзода Шохруҳ Мирзо мактубинда барчамиз биргалашиб...

Пир Муҳаммад Мирзо – Шаҳзодани кутиб ўтиришға вақт йўқ! Ул биродаримизға ҳам чопар юборинг! Самарқандда, Шероз лашкаргоҳинда учрашурмиз. Чегараларимиз мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратинг! Тўхаристон, Қийлон, Қандаҳор, Балх, Кобул, Ғазнин, хуллас, тасарруфимиздаги ерларнинг ҳокимлари номиға амри-фармон тайёрланг. Барчалари қўл остиндаги мулкларини тинчлигини сақламоққа жидду жаҳд кўрсатсунлар! Яхшиси, Хитой сафариға тайин этилган барча қўшун ҳақинда маълумот беринг, амир? Биз бутимизға қараб фол очғунимизча одамлар керакли ишини қилибду!

Шайх Баҳдул – Ҳозир, шаҳзодам! Хитой сафариға сафарбар этилган қўшун тартиби шаҳзода Султон Аҳмад ибн Умаршайх Мирзо тарафидан тузилган бўлуб, жами сони икки юз етмиш икки минг олти юз ўн икки нафар лашкардин иборатдур. Уларнинг барчаси бир йиллик маош, яъни улуфа бирлан таъмин этилган.

Пир Муҳаммад Мирзо – Ортиқча тафсилотнинг кераги йўқ. Қўшуннинг сони ва амирлари ҳақида сўзласангиз етар!

Шайх Баҳдул – Қирққўшун қисмдан иборат ҳуמוюн марказ-қўлга раҳматлик улуғ Амиримизнинг ўзлари бош эрдилар. Амирлари Хожа Юсуф, Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик ва Ҳамза Сулдулардир.

Жувонғар қирқ минглик қўшунға шаҳзода Шоҳруҳ Мирзо ва шаҳзода Халил Султон Мирзолар етакчи этиб тайинланиб эрди. Амирлари Бурундук Барлос, Худойдод Хусайний, Сулаймоншоҳ, Ёдгор Андхудий, Рустам Тоғай Буға, Суюнжак Баходурлардур. Жувонғар йигирма минглик хировулға Султон Хусайн Мирзо бош этилиб, амирлардан Кудрат Али товачи, амир Мусо ва Қиёмиддин Тархонлар бириктирилиб эрди. Ўттиз минглик баронғар қўшун Мироншоҳ Мирзоға тобе бўлуб, амирлари Али Қавчин ва Хожа Сайфуддиннинг ўғли Санжар Султонлардур. Марказ, яъни, ўттиз минглик қўлнинг ўнг тарафига Султон Аҳмад Мирзо етакчи этилиб, амирлардин Тоштемир Ўғлон, Жалол бовурчи, Шоҳсувор ва Исмаи Эртегин қўшуни бириктирилган. Марказ, яъни, олтмиш минглик қўлнинг ўттиз минглик ўнг тарафи эрса, шаҳзодаи жувонбахтнинг ўзлариға тегишли бўлиб, амирлардин Озод Темур, Обид Афанди, Оқбуға ва каминаға тааллуқли ўн минг қўшун амрингиздамиз!

Пир Муҳаммад Мирзо – Демак, кечқурун керакли маълумотларни олғач, саҳарлаб йўлга тушамиз. Бул фармонни барча амиру бекларға етказинг! Навбатдағи масалаларни эрса, кечқурунги машваратға қолдирамиз!

(Шаҳзоданинг тоқатсизланаётгани юзларидан кўриниб туради. Амирлар мажлисға хол қўйган Оқбуғаға еб қўйғудай бўлиб тикилишганича, жимгина кўзғалишади)

Ўн биринчи кўриниш

Бошловчи - Дўстлар душманларға, қариндош-уруғлар, ҳатто бир қориндан талашиб тушган оға-инилар бегоналарға айланишди. Ўттиз беш йил етти иқлимда гуллаб яшнаган, томир ёйиб, палак ёзган, пойдевори мангуға тикланган салтанат заволға юз тутган эди. Гўё равон йўлдан бир зайлда бораётган улкан аробанинг ўқи чиқиб, тўзгандай, қудратли давлатнинг пойдеворидан путур кетган эди.

Худойдод Хусайнийнинг дарду дунёси аслида, Фарғонаға ҳоким бўлиб кетаётганидан эмас, Шод Мулкнинг шаҳзодаға: «Амир Сайфиддиннинг жигарини ёнимизда юришини истамаймен, уни кўзимдин йўқотинг», деган гапини эшитганидан кейин қоронғу бўлган эди. Шаҳзоданинг ҳузурига кираётиб, унинг ўзи ана шу суҳбатни ўз қулоқлари билан эшитди. Амирнинг гап пойлайдиган одати йўқ эди, лекин Шод Мулк унинг номини тилға олаётганини эшитгач, тўхтаб қолди. Шаҳзода энди Шод Мулкка эътироз билдира бошлаган эди.

(Халил Султонинг оромгоҳи. Худойдод Хусайнийнинг Шаҳзоданинг ҳузурига ҳузурига кирмоқчи бўлиб турганда Шоди Мулкнинг овозини эшитиб тўхтаб қолади)

Халил Султон Мирзо – Ўйлаб гапиратирмисиз? Худойдод Хусайний менға на фақат амир, балки аткам ҳам, ахир!

Шод Мулк– Аткингиз тарбиячиму? Тарбиячи бўлган эрса, ҳақини олғандур. Бекориға тарбия этмагандур.

Халил Султон Мирзо – Аткининг хизмати тарбиячиникидин улуғроқдур, маликам! Аткалар оталар бирлан тенг туруп!

Шод Мулк – Оталарнинг ҳам аҳволини кўриб турибмиз! Барчаси ўзининг кўмочиға кул тортаётир!

Халил Султон Мирзо – Падари бузрукворимиз ҳақинда сўзламоққа бизнинг ҳаддимиз сиғмас! Балки ақли оғаларимизнинг юзларидин ўтолмай бунга журъатлари етмагандур!

Шод Мулк – Оғаларингиз ақли бўлганларида сизнинг ёнингизға киришар эрди!

Халил Султон Мирзо – Шунинг учун ҳам «ақлли» деётирмен, ахир! Менинг оғриқли жойимга туз сепманг, маликам!

Шод Мулк – Ўзингизни босинг! Бошқаларнинг аламини мендин олмоқчимусиз?

Халил Султон Мирзо – Сизнинг гапингиз бирлан энг яқин амир ва бекларимдин қанчасини бадарға этдим! Билурсиз, Худойдод Хусайнийнинг оғаси Оллоҳдод мамлакатнинг энг кучли, қувватли, ҳатто Улуғ Юрт хонлари Тўхтамишхон, Хизр Хўжахонлар ҳам ҳисоблашадурғон амир. Ўғлонлари эрса, шахзодаларнинг хос мулозимлари. Шундай одамни «Самарқандға ҳоким бўласиз», деб чақиртириб, Термизға жўнатдик. Худо биладур, кўнглида не ғидиришлиқлар бирлан кетди. Кўриб турибсиз, Шохруҳ Мирзодай диндор, диёнатли одам ҳаммани авраб, ўзиға оғдираётир! Йўқса, амиру бекларнинг, ҳокиму доруғаларнинг қанчаси даргоҳига бош уриб бориб, яна муҳолифатлик қилиб эрди. Бегоналарни қўйинг, шахзодаларимиз нима қилишаётир!? Падари бузрукворимиздин тортиб, оғаларимизгача, неча бор ул шахзодаға байъат қилиб, неча бор қайтишди? Лекин Шохруҳ Мирзо кўриб қўрмаганга, эшитиб эшитмаганга олаётир! Бўйин эгиб борғаннинг бошини силаётир! Маликам, эсингизда бўлсин, биз ҳам ишни бул тахлит юритсак, ҳадемай ёнимизда ишончли ит ҳам қолмайдур!

Шод Мулк – Ҳокимлик бадарғаликка кирадурму?

Халил Султон Мирзо – Бошқаларнинг наздинда кирадур! Арғуншоҳ бирлан Абу Бакрнинг саройдин четлашилиши ҳам қанча гап-сўзға сабаб бўлди, кўрдингиз! Саройнинг ўз тартиб-қоидаси бор. Буларни ҳали сиз билмассиз. Баъзан душманнинг сиртинда эмас, ичинда бўлмоққа тўғри келадур, маликам! Кўриб туриб, кўрмасликка, эшитиб, эшитмасликка олмасак, ютқазимиз ҳам мумкин!

Шод Мулк – Балки сиз ҳақдурсиз, шахзодам, лек мен Худойдодни саройда ортиқ кўришни истамаймен! Ул амирингиз мени кўрди дегунча, кўзларинда чатнайдуғон ғазаб ва алам ўтини наҳотки илғамаган бўлсангиз? Ул нонкўр менга сизнинг завжаи муҳтарамангиз эрмас, балки оғасининг чўриси, чўхраси сифатинда қараётир! Шул пайтгача қалбингизни қирмоқ истамаган эрдим, лек энди очигини сўйламасам бўлмас! Унинг нигоҳинда амир Сайфиддиннинг қизғанчли қарашларини кўраётирмен! Аминманки, амирнинг кўзларинда ўйнаган бул туйғу бир кунмас бир кун менга қарши қилич қайрайду! Ундан айрилмоқ сизға оғир бўлса, майли, мени узоқроқ, чеккароқ мулкингизға бадарға этинг! Сиз ҳам, мен ҳам хотиржам яшармиз, балки...

(Эшик оғаси кириб, Бибихоним келганини айтади. Худойдод Хусайнийни фикридан қайтиб орқасига қараб кетади)

Бибихоним – Шахзодам! Бул не қисматки, бобонгиз ҳазратлари дур каби саралаб, кўп саъй-ҳаракатлар бирлан улус фарзандларининг билим олмоқлари учун узоқ-яқин юртлардан келтирилган илм аҳлини бадарға этмоқдасиз!?

Халил Султон – Ўз юртлариға кетмоқлариға изн бермоқ бадарғаликка кирурми, бибим?! Сизга бундай ғаламис фикрларни ким еткурди?

Бибихоним – Эл эшитган хабарни хирмон бошинда туриб, биз эшитмаймизму. Муҳаммад ал-Ҳаймий, Шомий, Зайнал Яздий, Абдулмалик ат-Табризий, Саъдуддин ат-Тафтазоний, Муҳаммад Журжоний, Шаҳобиддин Абдуллоҳ...

Халил Султон – Нонкўр тарихчингиз Ҳофизу Абруму? Унинг қаерға кетганини эшитдингизму! Амакимиз Шохруҳ Мирзонинг остонасиға бош уриб борган эмуш!

Бибихоним – Сиз даргоҳингиздан жой бермағач, қаерғадир бориши керак-ку! Уларнинг барчаси салтанат ганжи, мамлакат устунлари аслида!

Шод Мулк – Ўшаларму салтанат ганжи? Барчаси текин томоқ аларнинг! Ишонмасангиз, тафтиш натижаларини ўзингиз ўқиб кўринг, бибим! Беш-ўн варақ битишган алмойи-жалмойи нарсаларини айтмаса, тайинли бирор бир иш қилишмаган, алар!!

Бибихоним – Аҳли илм, аҳли маърифат ўз нону насибасини хунармандлар киби, деҳқонлар мисоли, ёхуд ҳарб аҳлидай ўз хунари, ўз меҳнати ва қўл кучи бирлан топиб еябилмайдур! Аларнинг туз-насибаси ақл-фаросатларинда, иқтидор ва истеъдодларинда, яъни қаламларинда эрур! Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг алар ҳақинда шундай ҳадислари бор. «Олимлар ер юзининг машъали, чироқлари, пайғамбарларнинг ёрдамчилари, менинг ворисларимдур. Алар бирлан бирга бўлиш, аларнинг мажлисларинда қатнашиш илму ирфон, файзу барокотнинг ортишидур». Ёхуд бобонгиз Амир Темур ҳазратларининг тиллари бирлан сўзласам, «Подшоҳлар давлатни қилич бирлан бунёд этсалар, илму маърифат аҳли билим чашмаси бирлан суғориб, қувват ва қудрат берурлар! Алар ўз ижодлари бирлан, яъни, оллоҳ ато этган ғайб нури бирлан безатиб, сайқал топтиурлар!

Алар битган битикни, илохий юмушни ҳеч бир аҳли хунар эгаси такрорлай билмас. Буни биз омилардин кўра, сиз, яхшироқ билурсиз, шаҳзодам! Шулар боис, аларни ўз ҳолларига ташлаб қўймоқ, бир парча нонни кўчага отиб юбормоқ бирлан баробардур! Кун кўрмоқ илинжида, яратган ато этган улуғ неъмат – истеъдодларини бир парча кўмочга алмаштирмоққа мажбур бўлган ул аҳли қаламнинг уволи ҳам биздан кўра, сизнинг чекингишга кўпроқ тушадур... Ўтмиш сабоқдур, шаҳзодам... Бобонгиз ҳазратлари каби кенглик ва тенглик қилинг! Зеро, томир отиб, палак ёзмоқнинг таомили будур...

(Ўтирганлар ичидан фақат Шамсуддин Алмалиқийгина Бибихонимнинг сўзини тасдиқлаган каби бош ирғади)

Бибихоним – Елкангиздаги юк жуда оғир. Лек бул юмуш ҳам шарафли ва айни чоғда, ҳам машаққатлидур. Етти иқлим жиловини тутмоқ, сиз ўйлаганчалик осон эрмас, ул юртларнинг ҳар биринда сиз каби жўмард, сиз каби жувонмард шаҳзодалар жиловбардорлик қилурлар. Ул улусларни бобонгиз ҳазратлари ҳар бирининг салоҳиятига, қудратиға қараб тақсим этганлар. Агар сиз, ул мамлакатларға дабдурустдан эга чиқмоққа ошиқсангиз, хато қилурсиз! Қорни оч одам тўймоқни ўйлайдур, яъни очни тўйдирмоқ осон. Лекин тўқни тўйдирмоқ кўп мушкулдир. Тўқнинг қорни ҳам, тилаги ҳам, хаёллари ҳам ўзгачадур, шаҳзодам!

Хожа Аҳмад Тусий – Бир қошиққонимдан кечинг, ҳазрати олийлари, изн этсангиз, бибимизға бир савол берсам! Англолмай қолдим, бибим, сўнги калимангизни қандай тушунмоқ керак?! Очлар кимлару, тўқлар кимлар? Ва таъбир жоиз бўлса, бизлар қайси тоифаға кирурмиз? Сўзларингизни чистон шаклида баён этмасдан, очироққ сўйлашнинг иложи борму?

Бибихоним – Сиз тоифангизни мендин кўра, яхшироқ билурсиз, Хожа! Ва билганингиз ҳолда, нечун бошингизни кундага қўяётирсиз, буни англамоқдин йироқмен. Лек Сиз ёлғиз ўзингизнинг бошингизни қўйсангиз майли эрди...

Хожа Аҳмад Тусий – Астағфуруллоҳ! Яхши ният қилинг, бибим! Камина етти иқлим мамлакатларининг жилови бир одамнинг, муносиб ҳукмдорнинг, яъни ҳақиқий эгасининг илкинда бўлишини истаётирмен, холос! Фикри ожизимча, раҳматлик Соҳибқирон ҳазратларининг ҳам ният ва умидлари шундай эрди. Фақат баъзи бир. Оллоҳға шукрки, дўстларнинг сайъи ҳаракати бирлан, жумладан, сизнинг ҳам, бибим, бул мушкулотларнинг тугуни ечилди. Иншооллоҳ, бунинг савобини олурсиз! Ва яна оллоҳға беадад шукрларким, улуғ Амир тахтиға шунчаки шаҳзодалардин бири эрмас, балки Халил Султондай улуғ саркарда ўтирди! Менинг фикри ожизимча, биз, сиз, барчамиз, бундан буён, ҳазрати олийларининг ёнларинда туриб, барча юмушларинда кўмақдош бўлишимиз керак! Бул ўринда сизнинг хизматингиз янада муҳимдир, бибим!

Бибихоним – Жиловлар илкимиздан тушганига анча бўлди, Хожа, буни сиз билмасангиз ҳам, оллоҳға аён!

Хожа Аҳмад Тусий – Йўғ-ей, унчалик эмасдур, бибим! Яна бир томони борки, бибим, ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзо бирлан сизнинг қон томирларингиз улуғ Ҳоқони аъзам Чингизхони муаззам шажарасиға бориб тақаладур! Султон суягини хўрламас, деганларидай, сиз ҳар тарафлама ҳазрати олийлариға яқинсиз!

Бибихоним – Халил Султон Мирзони мен нафақат қондошим, балки шаъним, шоним деб биламен! Лек, шуни ҳам айтмоғим керакки, мен туғилган юрт, киндик қоним тўкилган туфроғ Туркистондур! Сониға сон, саноғига санок бўлиб қўшилганим миллат туркийдур!! Мен энди улардин айри тушмасмен. Мен ана шул юрт ўғлиниға хотун, султониға малика, шаҳзодалариға волида мақоминда бўлдим. Билурсиз, менинг алардин ўзга ҳеч кимим ва омонатимни топшираримда, кўзларимни ёпгучи бир кафт туфроғидин бошқа ҳеч нарсам йўк! Оллоҳ раҳматиға олган Соҳибқирон ҳазратлари эрса мен учун нафақат жуфти ҳалол, балки, балки... киндик қоним тўкилган мана шул туфроғқадар муқаддасдур! Ҳазратимнинг нафасларидин чиққан ҳар бир сўз, ҳар бир муборак калима мен учун тузук, ясо ва қонун кибибур! Устига устак, дини имонимиз қомуси, таянчи Қуръони каримни қўлларимда тутиб, байъат келтирдим. Энди ўшал ваъдамдан қайтмоқни, сўзларимдан дўнмоқни, ҳазратимнинг тузлиғига туфурмоқни ва Қуръони каримга шак келтирмоқни сиз, шариат пешвоси, улуғ уламо даъват этмоқдамисиз? Ўзингиз қилган гуноҳ етмагандай, мени ҳам ул гуноҳи кабирға шерик этмоқчимисиз?!

(Бибихонимнинг сўзлари ҳаммага кучли таъсир қилади)

Хожа Аҳмад Тусий – Бибим, гуноҳи кабир нелигини, сиз мендин яхшироқ билурсиз! Бул тадбирларнинг барчаси шароит тақозоси бирлан бўлаётган юмушлардир аслинда...

Бибихоним – Унда нечун ўшал дамларда фикрингиз айрича эканлигини сўйламадингиз, Хожа?!

Хожа Аҳмад Тусий – Кўрдингиз-ку, бибим... биз фикр айтадурғон алпозда эрдикму?! Ёки инкор этасизму?

Бибихоним – Улуғ Амир ҳар бирингиздан фикр сўраб эрдилар!

Хожа Аҳмад Тусий – Тўғри, лекин...

Халил Султон – Бибим! Мен сизни ҳузуримға бобомиз ҳазратларининг қилған ишларини тафтиш этмоққа чорламадим. Инсон жон чиқар пайти талвасада бўлғани боис, не деганини ва не қилганини идрок этолмас! Бул каби тортишувларға чек қўймоқ керак! Ким не деса, десун, ким ноғора чалса, чалсун, лек айнаи дамда валиаҳд бизмиз! Мамлакат жилови бизнинг илкимизда! Бундан буёғига шунга қараб, иш қилайлик, шунга қараб тўн бичайлик!

Шод Мулк – Рози бўлишмаса, ана, катта кўча!

(Ҳамма Шод Мулкка ялт этиб ўгирилади. Худойдод Хусайннинг кўзларида эса ғазабдан ҳам, нафратдан ҳам кучлироқ бир ўт чакнайди)

Хожа Аҳмад Тусий (шивирлаб) – Маликам, сиз қўшилманг!

Бибихоним – Тарих китобларидин маълумки, бул мамлакатларнинг бошини қадим бобоколонларингиз Элхонлардан тортиб, Ўғизхонларгача, Алп Тегиндан тортиб, Қорахонийларгача бирлаштирмоққа кўп бора уринганлар. Бунинг уддасидан чиқмоқ бахти эса улуғ бобонгизга, раҳматлик Амир Темур ҳазратлариға насиб этди! Хаёлий орзу-умидлардан ҳақиқатға айланған Турон жилови энди сизнинг илкингизда, шахзодам! Уни юксалтмоқ ҳам, йўқотмоқ ҳам сизнинг чекингизга тушадур.

Халил Султон - Ҳамма гап ана шунда, бибим! Бугунги бул йиғинимизнинг боиси ҳам шундан, аслида. Менинг кўнглимдаги гапларни муҳтарам Хожа Аҳмад жаноблари мендан-да яхшироқ ва муфассалроқ баён этдилар. Сиз, зукко бибимизға ортиқча изоҳ бермоққа ҳожат йўқ деб ўйлаймен.

Бибихоним – Лек ҳар нарсанинг ажри борлиғини мендин кўра яхшироқ билурсиз. Шул боис мени, тўридан гўри яқинроқ бибингизни, омонатға хиёнат қилмоққа ундаманг, шахзодам! Ул боқий ва чин дунёға, ҳазрати бобонгизнинг ҳузурлариға сўзум рост, имоним бут, юзум ёруғ борай.

(Сулув бика узр сўраб қиради ва бибихонимга Мирзо Улуғбекдан хат келганини айтиб хатни беради. Хонага отилиб қираётган амирзода Султон Хусайн Мирзога кўзи тушгач, хавотир ва хижолат ичида ўрнидан даст туради.

Шахдам қадамлар билан хонага кирган амирзода бўсағада туриб қолди, бўзрайганича, хонага шошиб кўз ташлаади. Бошини сарак-сарак қилганича, афсус чеккандай чайқайди)

Ўн иккинчи кўриниш

Бошловчи - Пир Муҳаммад Кобулий қўшинлари Халил Султон лашкарларидан енгилган бўлса-да, шахзода билан ярашишни, унга байъат келтиришни истамай, Шоҳруҳ Мирзо томон юз бургач, Тусийнинг маслаҳатига кирган Халил Султон бу икки уламони ҳам Бибихоним билан бўладиган машваратга чорлатган эди. Чунки вазият чиндан ҳам оғирлаша бошлаган эди. Лекин Султон Хусайн мавридини топди дегунча саройга келиб, Халил Султонни Шоҳруҳ Мирзо билан Пир Муҳаммад Мирзога қарши лашкар тортишга ундайди, яъни, шахзодани Самарқанддан жилдириш пайига тушиб қолган. Икки-уч маротаба Бибихонимнинг ҳузурига кириб чиққанини айғоқчилар Халил Султонга етказишди. Азалдан икки суймайдиган жиянига бибиси қайишмаслигини билса ҳам, шахзоданинг кўнглида гумон оралади.

(Бибихоним ормғоҳи. Бибихониб олдиға Султон Хусайн қиради)

Султон Хусайн Мирзо – О, о, бибим! Дунёнинг тўзғанини-ю, эшакнинг оддин ўзганини кўрунг!

Бибихоним – Келинг, амирзодам!?

Султон Хусайн Мирзо – Келдик, бибим! Устингизға чиқиб тепишса ҳам, индамай ўтирибсизму!

Султон Хусайн Мирзо – О, о, бибим! Дунёнинг тўзғанини-ю, эшакнинг оддин ўзганини кўрунг!

Бибихоним – Тинчликми, амирзодам?

Султон Ҳусайн Мирзо – Бул не ўлтириш? Бул не ҳаёт?! Етти иқлим ҳукмдори, Соҳибқирон Амир Темурнинг бош маликаси, Султон Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним шул аҳ-волға тушдиму?! Охир-оқибат мана шул кулбаи вайронаға эга бўлдиму?! Тоқатингизға, сабрингизға балли, бибим!! Майли, Соҳибқирон бобомизнинг хазинасини айтмайин, уни пишириб ейишсун! Чунки унға балки чиндан ҳам ҳаққингиз йўқдур! Сабаби, бобомизға ўшал чала мулла шаҳзодаларға ўхшаған зурриёд туғиб берганингиз йўк! Аслида туғмай тўғри қилғансиз! (муштини туғиб, Кўксарой томон) Ану хезалак сифат шоирваччаға ўхшаған барлосларнинг уруғини кўпайтирганингиз бирлан сизға ҳеч ким раҳмат демасди!

Бибихоним(овози титраб) – Сўзни ўйлаброқ сўйланг, амирзодам, чунки ўзингизнинг томирингизда ҳам барлос қони бор!

Султон Ҳусайн Мирзо – Мен ота томонимдағи қонни тан оламен, она томонимни эрмас! Чунки она томонимнинг ҳеч биридин, ҳатто Соҳибқирон бобомиздин ҳам мурувват кўрмадим! Майли, бул бошқа масала, буни ҳозирча қўйиб турайлик. Менга алам қилаётгани, сиздай маликани, Султон Қозонхоннинг зурриёдини, менинг катта аммамни шул аҳволда кўриб туришим... Улуғ бобомиз Қозонхондан қолған сандиқ-сандиқ олтинлару тахт эвазиға олған матоҳларингиз мана шул битлиқи кўрпачалар бўлдиму?!

Бибихоним - Ўзингизни босинг, амирзодам!

Султон Ҳусайн Мирзо – «Ўзингизни босинг» деяпсизму?! Бул нима деганингиз, бибим?! Топтасалар ҳам, ер бирлан битта қилсалар ҳам ўзимни босайму? Йўқ,энди мен ўзимни босмаймен, бибим! Сиз сукут сақласангиз ҳам, мен энди сукут сақламаймен! Сиз, маликалар маликаси, Султон Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним бунға қандай чидаб ўлтирибсиз?! Ҳаммаға сабоқ берадурғон, ақл бўладурғон бошингиз ўзингизға келганда ишламай қолдиму? Шунча тарафдорингиз, шунча ҳомийингиз бўлатуриб-а!? Бир ҳимо қилсангиз, юз минг аскар келаду-ку қошингизға! Ўшаларни чорлаб, менинг қўшуним сафиға қўшсангиз, кўрур эрдингиз қандай томоша бўлишини! Йўқса, амир Сайфиддиндан қолған бир қанчиқ Кўксаройимизда ялло қилиб, билган б...ини ейдур! Кичик маликамизни қандай заҳарлаган бўлса, сизларни ҳам худди шундай, бирма-бир, навбатма-навбат заҳарлаб ўлдирадур! Лекин кичик бибимизнинг оғалари, Хизр Хўжахоннинг ўғлонлари, яъни Улуғ Юртни сўраб ўтирган хонларға ҳам беш кетмадим. Ҳамшираларининг ўчини олиш ўрниға, хезалаклик қилиб, Халил Султонға камарбасталик эълон этди, эшитғандурсиз!

Бибихоним – Ҳар нарсанинг ўз вақти бор, улар ҳам бир нарсани ўйлагандур, амирзодам

Султон Ҳусайн Мирзо – Вақти келғунига қадар, мана шул кулбаи вайронадан ҳам бир тепиб, дорулфаноға жўнатишғанларини ўзингиз ҳам сезмай қолурсиз, бибим!

Бибихоним – Инсон қисматинда неки бўлса, кўрмай иложи йўк, шунинг учун ҳар не келса, сокин қабул қилинг, ўзингизни босинг! – Бибихоним титраётган қўлларини кўрсатмаслик учун енглари орасига олди.

Султон Ҳусайн Мирзо – Шул аҳволда ҳам «ўзингизни бос», деётирмисиз!? Балли! Раҳмат сизға, бибим! Лекин энди мен ўзимни босмаймен! Ўнг қулоғингиз билан ҳам, чап қулоғингиз билан ҳам эшитинг! Сукут қилиб, сабр этиб бўлдим! Энди жим турмаймен, туролмаймен! Жоним мана бул еримға келди! – амирзода кўрсатгич бармоғини бўғзига нуқиди.

Бибихоним – Жаҳл ақлни кеткизадур, амирзодам, ақлсизлик эрса жоннинг кушандасидур! Мен бул сўзни сизға қўп бора айтганмен, лек яна тақрорлаймен. – Бибихоним шундай деганича, хонтахтанинг бир бурчига, амирзоданинг қаршисига оҳиста чўқди. – Билурсиз, улуғ бобонгиз Қозонхоннинг иниси Халил Султон отамиз молу-дунё, тожу тахтдан юз буриб, тариқатни, сўфийлик йўлини тутиб эрди. Ул пири муршид дунёнинг ноз-неъматларидин, асъясаю дабдабаларидин нечун воз кечиб эрди, билурмисиз?

Султон Ҳусайн Мирзо – Халил отамиз бирлан ҳам... – амирзода бетоқатланиб, бибисининг гапини бўлди, – сўфийликму, пўфийликму, ул тариқат йўли бирлан ҳам сариқ чақалик ишим йўк, бибим! Менға ақлим етадиған, тишим ўтадиған нарсалардин сўйланг!

Бибихоним – Сизнинг ақлингиз нимаға етадур, амирзодам?! Салтанат қурмоққа етадурму?

Султон Ҳусайн Мирзо – Бунға шубҳангиз борму, бибим?! Рум ҳукмдори Боязидни бобомиз эрмас, сизнинг жиянингиз Султон Ҳусайн маҳв этганлигини тан оларсиз ҳеч бўлмаса! Боязиднинг ўғли Сулаймон Чалабейдай саркарда менинг ҳужумимға дош беролмай қочғач, жанг тақдири ҳал бўлди-ку! Иннайкейин, оллоҳға шукрки, менинг ота томоним ҳам, она томоним ҳам ҳукмдорлар!

Бибихоним – Оқилу донолардин донишманд фарзандлар, улуғ ҳукмдорлардин беназир хону султонлар туғилғанида эрди, ер юзи аллақачон етук, мукаммал инсонлар бирлан тўлиб-тошған бўлар эрди, амирзодам!

Султон Хусайн Мирзо – Бул сўзингиз бирлан нима демоқчисиз, бибим?! Сен боболарингдай ақлли, доно эмассен, демоқчимусиз? Ақлли, доно, номусли, маърифатли деб топинган шоирвачангиз кўрсатаётган кароматларни қандай баҳолайсиз унда? Нега индамайсиз, бибим? Яхшиси, «сени ёмон кўрамен, сенга ҳеч нарсани раво кўрмаймен», денг! Чунки, сиз ҳеч қачон менга ишонмагансиз, ҳеч қачон рағбат кўрсатмагансиз! Майли, шул фикрингизда қолинг! Мен эрса, сизга кимлигимни исботлаймен! Яқин кунларда имонингиз комил бўладур, иншооллоҳ!

Бибихоним – Омин!

Султон Хусайн Мирзо – Фақат, иқтисод томонидин озроққарашсангиз етар, бибим! Мени билурсиз, эрка шахзодаларингиз киби очкўз эрмасмен! Бориға барака килурмен! Лек берғанларингизни ўн баробар, йўқ, юз баробар қилиб қайтарамен! Мушук бекорға офтобга чиқмагандай, бул очкўз амиру бекларингиз ҳам сув кўрмай этик ечмаётир! Лукма ташламасангиз, думини буришаётир!

Бибихоним – Амирзодам, ўзингизни ўтга, чўққа урғанингиздин фойда чиққанида эрди, менинг ўзим сизга рағбат берур эрдим. Дунёнинг амали шундай. Минг елиб-югурманг, насиб этганини олурсиз! Оғзингизда чайнаётганингиз эрмас, ютганингиз сизники, эгнингизга кийганингиз эрмас, йиртганингиз сизники! Қолгани эрса бировникидур! Бировларнинг моли учун жонингизни жабборға берғанингиздин маъно борму?

Султон Хусайн Мирзо – Бир менга қолганда хашиша шундай дейсиз, бибим! Мен сизга нима ёмонлик қилдим, билмаймен, лекин ҳамма нарсани мендин аяйсиз! Лекин мен худди шундай ҳол юз беришини сизларга айтиб эрдим, огоҳлантириб эрдим, тўғриму?! «Халил Султон Мирзонинг исковучлари хабар топмай, яширғон-юшурғонларингизни менга бериб қўйинг,» деб сизга ҳам айтганмен. Гапимни ҳеч бирингиз жиддий қабул этмадингиз. Оқибати не бўлди. Яланғоёқ ва суюқоёқ бир чўҳра ҳаммангизни бошлаб қоқлади. Энг қизиғи, ҳеч бирингизнинг дод айтарға додхоҳингиз йўқ ҳозир!

Бибихоним – Оҳ, амирзодам... Фақат олтину тиллолар бирлан иш битганида эрди...

Султон Хусайн Мирзо – Мен битирамен, бибим! Шундай битирайки...

Султон Хусайн Мирзо – Бибим... Чорсудағи мадраса ва макбарангизни бир узукнинг пулига қурдирган эрдингиз, тўғриму?

Бибихоним – Тўғри, лекин ул узукнинг тоши олмос эрди... Лекин жуда зорикқан бўлсангиз, майли олинг!

Султон Хусайн Мирзо – Тошларнинг қийматиға ақлим етмайдур, бибим, ҳар қалай сиз арзон узук тақмасангиз керак! Лекин ҳозирча олмаймен, ечманг! Бошқа мўлжалим бор. Бугун ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзонинг қўлимга фармони олий тутқазиб, Пир Муҳаммад Мирзо Кобулий ҳузурига бормоғимни амр этдилар!

Бибихоним – Хайрли бўлсун, тинчликму?

Султон Хусайн Мирзо (пихиллаб) – Пир Муҳаммад Жаҳонгирға тегишли хазина бирлан завжаи муҳтарамалари, маҳди улё Руқия Хоника бегимни шахзоданинг ҳузурларига мен элтар эрмишмен! Шахзоданинг ифлослиғини кўраётирмисиз, бибим, менинг ул бегимга муносабатимни билғандан сўнг ҳам, атайлаб, қўшаётир! Бир қориндан таллашиб тушган оғасиға нисбатан қилаётир шул ишни!

Бибихоним – Сиз тушунган ҳолда энди ул номаъкулчиликни қайтармассиз, амирзодам!

Султон Хусайн Мирзо – Севгининг кўзи кўр, бибим, сиз номаъкулчилик деётган нарса мен учун илоҳий туйғудур, балки! Халил Султон Мирзо битта бўсаға мени шунча гап-сўз, ота-гўри қозихона қилди! Ўзи эрса, амир Сайфиддиннинг чўҳрасини тортиб олиб, хотин қилиб ўлтирибдур! Лекин унинг мушугини ҳеч ким пишт демайдур, чунки ҳаммангиз ул шахзода тарафиндасиз! Ой боқса ҳам унға боққан, кун боқса ҳам унға!

Бибихоним – Руқия Хоника бегим Пир Муҳаммад Мирзонинг никоҳинда, амирзодам! Энди ул бегим жигарингизнинг тани маҳрами ҳисобланадур.

Султон Хусайн Мирзо – Лек ўшал бегимингизға Пир Муҳаммад Мирзодин олдин мен оғиз солиб эрдим, бибим. Нечун ул шахзоданинг бирдан эга чиқди?

Бибихоним – Билурсиз, бул қарорни на ҳазрат бобонгиз ва на мен бердим, Пир Муҳаммад Мирзони ул бонунинг ўзи танламиш!

Султон Хусайн Мирзо – Шундай, менга қолганда ҳамма иш тесқари бўладур, бибим! Лекин никоҳ ўқилғанидин бери саккиз ой ўтди. Шариатда эр-хотин орасинда оилавий муносабат бўлмаса, олти ойдин сўнг талоқ тушади, деб эшитганмен, бибим!

Бибихоним – Йўқ, йўқ, бул гапни ким сизга айтса ҳам, нотўри талқин қилибдур! Зинҳор бундай густоҳликка қўл урманг, амирзодам!

Султон Ҳусайн Мирзо – Кўркманг, ҳазиллашаётирмен! Эртанга йўлга чиқмоғимиз керак эркан, бибим! Ул бонуни кўшганига кўшиб келайлук!

Бибихоним – Сиз бирлан кимлар бораётир!

Султон Ҳусайн Мирзо – Хожа Юсуф, Оллоҳдод, Мубашшир, Арғуншоҳ, Темирхўжа, Саодат, хуллас, йигирмадин зиёд амир бирлан олти минглик кўшун берди.

Бибихоним – Шайтоннинг гапиға кирманг, амирзодам! Ҳали ҳаммаси яхши бўладур!

Султон Ҳусайн Мирзо – Осмонга қараб, «яхши бўладур» деб ўлтирсақ, биров келиб яхшилаб кетадурму, бибим!? «Ҳаракатдан барокат» дейсиз-ку ўзингиз ҳам, бир ҳаракат қилиб кўрайлук, қани? Ё остидин, ё устидин дейишган-ку машойихлар ҳам.

Бибихоним – Менга сўз беринг! Чапанилик қилманг! Кеча тушумда волидангиз раҳматликни кўриб эрдим. Қаранг, бекор кирмаган эркан!

Султон Ҳусайн Мирзо – Тавба, волидамни сиз ҳам кўрдингизму? Тўрт кундин бери менинг ҳам тушимға кираётир!

Бибихоним – Оллоҳга садақа атанг!

Султон Ҳусайн Мирзо – Атадим, бибим, келинингиз хатми Қуръон ҳам қилдирди.

Бибихоним – Кўрдингизму, волидангиз бекорға хавотирға тушмаган, амирзодам, демак, сиз нимадир ножоиз иш қилмоққа жазм этгансиз ва ул юмушдин хайр келмас, буни руҳлар билладур!

Султон Ҳусайн Мирзо – Дуо қилиб тулинг-чи, бибим!

Бибихоним – Оллоҳдин барчамизға инсофу тавфиқ сўраймен!

Султон Ҳусайн Мирзо – Омин! Лекин сиз хавотир олманг, бибим! Султонлар Султони, Ҳусайнлар Ҳусайни бўлмиш жиянингиз тегирмонға ташланса-да, бутун чиқадур, бибим!

(Сулув бика шошиб киради)

Сулув бика – Бибим! Амир Шайх Нуриддин зиёратға келиб эмуш, кирмоққа изн сўраётир!

Амир Шайх Нуриддин – Ассалому алайкум! Соғ-саломатмисиз, ҳазрати олиялари?

Бибихоним – Худога шукур, амир. Сиз ҳам эсон-омонмисиз?

Амир Шайх Нуриддин – Оллоҳга шукур, ёмон эрмас! Шаҳзодамиз чорлатган эркан, баҳонада, сизни ҳам бир зиёрат этай дедим.

Бибихоним – Сизни оллоҳ сўрасин, амир! Фарзанди қобилимиз шаҳзода Шохруҳ Мирзонинг, шаҳзодаларимизнинг ва волидаларининг тан-жонлари соғ-саломатму?

Амир Шайх Нуриддин – Барчаларидин кўпдин-кўп саломлар келтирдим, бибим! Хусусан, Улуғбек Мирзонинг алоҳида саломлари бор. Келишимдин олдин хузурларига кириб эрдим, мактуб ёзганларини айтдилар. «Рози бўлсалар, йўлда йўғрулмасалар, сиз бирлан бирга келсунлар», деб тайин этдилар.

Бибихоним – Ташаккур, амир, балки шаҳзодамизнинг ўзлари келиб қоларлар. Оға Беги келинимиз соғ-саломатмилар?

Амир Шайх Нуриддин – Оға Бегим ҳам кўп салом йўлладилар ва келишингизни тайинладилар. Шаҳзода Улуғбек Мирзонинг ҳали-бери келишларини, хай билмадим, бибим. Бул можоролар қай тарзда ва қачон тугашиға ҳам ақлим етмай қолди. Нима воқеалар юз бераётганини эшитаёт-ган бўлсангиз керак! Бул аҳволда, кўп ўтмай, Соҳибқирон салтанати парчаланиб, таназулға юз тутадур ва шаҳзодалар бир-бирини еб битирадурлар, чамаси!

Бибихоним – Астағфируллоҳ, гапингизни ел учурсин, амир! Аксинча, шаҳзода Шохруҳ Мирзоға байъат қилганлар сони кўпаяётир деб эшитдим-ку!?

Амир Шайх Нуриддин – Бугун байъат қилиб, эртага дўнаётирлар, бибим! Ким дўст, ким душман билиб бўлмай қолди! Мен индинға қайтишни мўлжаллаётирмен, бибим. Хоҳласангиз биз бирлан кетишингиз мумкин. Лек индамаётганингиздин ҳали ҳеч нарсдан хабарингиз йўққа ўхшайдур!? Туман Оғомиз сизға ҳеч нарса демадиларму?

Бибихоним – Икки кундур Туман Оғони кўрмадим. Холаси вафот этгон эркан, таъзияға кетиб эрди.

Амир Шайх Нуриддин – Шундай, шундай Ҳамза Сулдуз ҳақинда ҳам ҳеч нарса эшитмадингизму, бибим?

Бибихоним – Эшитмадим, ўлдиришибдиму ул шўрликни!

Амир Шайх Нуриддин – Йўғ-ей, тирик. Лек... Рухпарвар Оғоға уйланганидин хабарингиз йўқму, бибим?

Бибихоним – Астағфуруллоҳ! Не деётисен, амир?! Ақлинг жойидаму? Демак, сен ҳам Туман ОғоғаБунға қандай журъат қилдинг, қандай ҳаддинг сиғди, амир?!

Амир Шайх Нуриддин – Бибим... Ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзонинг ўзлари...

Бибихоним – Арпа унини баҳона қилма, амир!

Амир Шайх Нуриддин – Мен уйланмасам, бошқа бировға беришадур, ахир!

Бибихоним – Сен ҳам ўшал, бошқа бировлар қаториға ўтдингму, сен ҳам-а?!

Амир Шайх Нуриддин – Бибим!

Бибихоним – Номимни тилға олма! Ё оллоҳим! Мен нодон яна алдандимму?! Шайх Нуриддин келди, дардкашим келди, деб севинчдин тўлиб-тошиб, кушлардай отлиб чиққан дўстим сенму! Э, э, воҳ, бул қандай разолат, бул қандай нонкўрлик?!

Амир Шайх Нуриддин – Туман Оғонинг ўзлари розилик бердилар-ку, бибим!

Бибихоним – Розилик берған бўлса, олақол! Менинг энди сенға айтадурғон бошқа гапим йўқ!

Амир Шайх Нуриддин – Бир кунмас бир кун мени тушунарсиз, бибим...

Бибихоним – Ўшал бир кунға етгунча ҳали кўп гап бор, амир! Лекин сен, гумроҳ банда, Туман Оғоға уйланмоқ Соҳибкирон бўлмоқ деб тушунсанг, хато қилурсен!

Амир Шайх Нуриддин – Бибим, мен Туман Оғони бул ғурбатлардин қутқармоқ бўлдим, холос!

Бибихоним – Унда ўзингни чоғға ташлабсен, амир! Халил Султон номуссизликқилған бўлса, қолған фарзандлар ичидин номуслироғи ҳам топиладур ва улуғ Амирнинг юзига қўйған оёғингдин осишадур сени! Ўшанда менинг гапимни эсларсен! (чикиб кетади)

Ўн учинчи кўриниш

Бошловчи - Фарғонаға ҳоким этилган Худойдод Хусайний уч ойдан сўнг, Халил Султондан мактуб олгач, зудлик билан Кешга, Бодғисда Мовароуннаҳр фатҳи учун куч тўплаётган Шоҳруҳ Мирзо лашкарига муносиб жавоб қайтармоқ учун Учқир қалъасида жанговар тайёргарлик кўраётган шахзода қароргоҳи томон йўл олди. Фарғонадан Кешгача бўлган масофа ўн тўққиз йиғочлик йўл, отда бир зайлда юрилса, тўрт кунда етиларди.

Чоҳаршанба куннинг тонгида, Хўқанднинг шарқий дарбозасидан амир Бойтемир барлос, Мирзо Муҳаммад Жаҳонгирнинг хос навқари Миракбек довулчи ва қирқ чоғлик қўрима ҳамроҳлигида йўлга чиққан Худойдод Хусайний уч кундан сўнг кунботарда Қарши чўлларига туташ Чимқўрғон қалъа карвонсаройига кириб борди.

Чимқўрғон қалъа Довон тарафдан йўлга чиққан йўловчилар учун чўлнинг бошланиши, Қарши тарафдан келаётганларга нафас ростловчи манзилгоҳ ҳисобланар, карвонларнинг деярлик ҳаммаси унга қўниб ўтарди.

(Чимқўрғон қалъаси.Ҳасан чол ва унинг укаси тугунларни олиб чиқади ортидан Амир Худойдод Хусайний ва Бойтемир барлос кириб келади.)

Ҳасан чол – Келинг Амирим.

Худойдод Хусайний – Итинғизга ётоқ тегдими дейман, отахон, ҳатто туришға ҳам эринди!? Қорни тўқ ит овға ярамайдур! Итни қантариб туриш керак, йўкса, қорни тўйғач, бегона бирлан иши бўлмайдур!

Ҳасан чол – Сизни таниди-да, амир ҳазратлари! Шул боис хотиржам ётибди, нотанишларни кўрса, «ожим» десам ҳам тинмайдур.

Худойдод Хусайний – Хотиржамлик яхши, лекин ҳушёрликка не етсин?! (ичқарига кириб кетади).

(Укаси орқасига қайтгач, Ҳасан чолнинг кулоғига шубхали гапни айтади)

Ҳусан чол – Йўғ-ей, кўзинғизға шундай кўринғандур. Ёнларидағи ҳалиги ёшроқ навқарни танимадим, лекин икки амир шахзода Халил Султон Мирзонинг яқин одамларидан-ку!

Укаси – Ҳозир яқинлари кимлару, узоқлари кимлар билиб бўлмай қолди, жигар.

Ҳусан чол – Шундай бўлғач, нима қиламиз ақлимиз етмаған ишға аралашиб, оға!?

Укаси – Ўзим ҳам унчалик ишонганим йўқ, чунки ким киму амир Бойтемир барлос билан амир Худойдод шу ишни қилса, ўлар! Аслида, улардин яқинроқлари ҳам бундан беш баттар ишларни қилишаётир-ку, оға!

Хусан чол – Мен ҳам шуни айтаётирмен, Бойтемир барлоснинг кўзи олма-кесак тераётир, амир Худойдод эса мен бирлан ҳеч қачон бу қадар қуюқ сўрашмаган ва ҳазил-ҳузул ҳам қилмаган. Пайтавасига қурт тушиб қолгани аниқ ёки Шохруҳ Мирзонинг кўшунлари етиб келишганмикин?!

Укаси – Шохруҳ Мирзонинг кўшунлари келишини менга айтмаган эдингиз-ку!?

Хусан чол – Ўтган ойдаи ёки ундин ҳам нарими, Кешға кетаётган бир бек «Пир Муҳаммад Мирзо ўлдирилғач, Шохруҳ Мирзо Бодғисда Самарқандга юриш қилиш учун лашкар тўплаётган эмуш» деб эди-ку!

Укаси – Унисига эътибор бермабмен. Қайси бек эрди? Мен танийманму?

Хусан чол – Наврўз кунлари Кешға ўтган қарвонни эсла! Оти тилимнинг учинда турипдур. Сувсар чакмонли. «Шундай баҳор ҳавосинда ҳам иссиқ чакмон кийиб олипти», деб ҳайрон бўлиб эрдик. Кейин билсак, иситмалагани учун кийган эркан. Ҳаммани оёққа турғазиб, кўкнори излатди-ку!

Укаси – Эсладим, ҳазрати олийлари Халил Султон Мирзонинг вазири аъзамлари Бобо Турмуш ҳазратларининг «хос бекиман» деб эрди, ўшал йигитму?

Хусан чол – Худди ўша! Хуллас, ўшал бек, ўтган-кетганнинг, юриш-туришига, тилига кўз-қулоқ бўлинг, ҳозир вазият жуда қалтис, ҳар бир ҳаракати ва сўзи бизга асқотиши мумкин, деб эрди.

Укаси - Бир камингиз қулоқ бўлиш қолибмиди, оға, Замонни кўрмаётирмисиз? Салла деса, каллани олиб, газзагага ўзингизни берасизму? Менга қаранг, оға, бул Мирзоларингизнинг уруғи қанча ўзи?! Соҳибқирон давринда бирортасининг ўзи тугул, номиниям билмас эрдик. Тахт талашинда улар худди кўзқорин киби шул қадар кўпайишиб кетишдики, ҳатто номини эслаб қолишга ҳам улгурмаётирмиз. Тинчгина ўтирайлик, оға, ногўғри маълумот бериб, бошимизга бало орттириб ўтирмайлик, яна!

(Чирок аста –секин ўчади)

Ўн олтинчи кўриниш

Бошловчи - Шундай қилиб, ҳаммаёқ арининг уясидек бузилиб кетди. Айниқса, Шод Мулкнинг ҳеч қандай талафотсиз ва ортиқча гап-сўзсиз, ҳамирдан қил суғургандек осонгина қўлга тушиши Худойдод Хусайнийнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Шу боис Халил Султон устидан қозонилажак ғалаба ҳам нақд кўринди. Ўратепа ва Шохруҳиядаги жангларда эса, лашкарбошилардан бошқа ҳеч ким амир Худойдоднинг кўшини ким тараф бўлиб уришаётгани-ю, қайси томон ғалаба қозонганини аниқ билолмай қолишди. Худойдод Хусайнийни Халил Султоннинг одами деб билганлар ғалабани шахзода ҳисобига қайд этган бўлсалар, Халил Султонга қарши кўшин тортиб келаётган Шохруҳ Мирзо кўшинларининг хабарини эшитган одамлар эса Худойдодни Хоқони сайдга байъат қилган амир сифатида билдилар.

(Амир Худойдод чодир. Бир неча амирлар йиғилган)

Бойтемир барлос – Режангиз чиндан ҳам пухта эркан. Шаҳар аҳли бизни Шохруҳ Мирзонинг одамлари сифатинда қабул қилишди.

Амир Худойдод – Телбанинг ишини худо ўнглаганидай, таваллоларимиз оллоҳга етди, амир! Ниҳоят, йўлларимиз очилиб, мушкулларимиз осон бўлаётир.

Бойтемир барлос – Оллоҳга беадад шукр! Мўлжални тўғри олибсиз, амир!

Амир Худойдод – Тўғри олибсиз эрмас, тўғри олибмиз денг, Бойтемир. Зеро, бошқа йўлимиз ҳам қолмаганини мендин кўра сиз яхши билурсиз. Чўҳра бизни узоғи билан, нари борса, яна бир йил сийлар эрди. Ундан кейинги тақдиримизга фол очишнинг ҳожати қолмасди. Сопимизни ўзимиздан чиқазган ҳолда жойимизни солар эрди.

Энди улар билан ўз усулларинда курашамиз! Чунки уларга ишониб, жонимизни, умримизни фидо қилиб, етган жойимиз шул бўлди. Бундан буёғига биз ҳам пишиқроқ бўлайлик. Кўринган кўрнамак шахзоданинг этагидан тутиб

кетабермай, ақлимизни ишлатайлик! Чунки уларнинг бирортасинда ҳам улуғ Амирнинг на суврати, на сийрати бор, ҳатто ҳаром бир туки ҳам йўқ, Шоҳруҳ Мирзони ҳисобга олмаганда, албатта!

Бойтемир барлос – Шоҳруҳ Мирзо диёнатли шаҳзода. Лекин бул фикр фақат меники эрмас, кўпчиликники! Айтгандай, Шоҳруҳ Мирзо Довонға етибдур, дедингизму?

Амир Худойдод – Энг сўнгги маълумотни келтирган хуфиянинг гапи бўйинча, шаҳзода қўшинлари кеча Риштонға кириб эмуш.

Бойтемир барлос – Ишқилиб, шаҳзода бизнинг гапимизга ишонармикин? Шунча ҳаракатимиз зое кетмаса бўлди!

Амир Худойдод – Хоқони саидға садоқатимизни исботи бирлан кўрсатурмиз, иншооллоҳ! Йўқса, вақт ҳакам, кимнинг кимлигини ул кўрсатадур! Энг сўнгги доvon қолди, амир, ниятни яхши қилинг. Хуфияларнинг берган маълумотиға кўра, Халил Султон тўрт минглик илғор бирлан кеча Кешдан чиқиб эмуш.

Бойтемир барлос – Тўрт минг?! Бизнинг қўшун сонидин ҳеч ким хабар бермабдимму?

Амир Худойдод – Сиз зийраксизу, нодоннинг гапини қилманг, амир! Ким хабар берадур?! Ҳар қалай, оғам мени сотмаса керакдур!

Бойтемир барлос – Узр! Бул томонини ўйламабмен, дарвоқе. Лекин, қизталоқ оға-иниларғаям ишониб бўлмай қолди-да!

Амир Худойдод – Биз ундай оға-инилардан эрмасмиз, иншооллоҳ!

Бойтемир барлос – Омин!

Амир Худойдод – Худо хоҳласа, индин ҳал қилувчи жанг! Шаҳзодани Шоҳруҳ Мирзонинг одамлари эрмас, ўзимиз қўлга олишимиз керак! Шундағина шаҳзода Шоҳруҳ Мирзо бизға ва бизнинг садоқатимизга ишониши мумкун! Самарқандга кирувчи ҳамма йўлларға ишончли, тажрибали ва сараланган жангари жангчилардан қўямиз! Айниқса, ёлғон маълумот келтирувчилардин эҳтиёт бўлмоғимиз лозим. Иншооллоҳ, ундан кейинги марра бизники!

Бойтемир барлос – Илоҳи омин!

(Амирлар дуога қўл очдилар ва кетадилар. Чироқ аста-секин ўчади)

Ўн тўққизинчи кўриниш

(Саҳна пардаси олдиға икки аскар машъала кўтариб чиқишади. От-уловларнинг дўпирию араваға ортилаётган қурол-аслаҳаларнинг шарақ-шуруғи, суворий ва бекларнинг «тез бўл», «етиш» деган бақирқ-чақирқлари эшитилиб туради)

Биринчи аскар – Тинчликму? Маннон Жасур, дўстим, омонмисен? Менга «илғор»дагиларнинг барчаси шаҳид кетди, дейишиб эрди, бошқалар ҳам соғму?

Иккинчи аскар – Оллоҳға шукр! «Илғор»лар ўлимни ҳам доғда қолдирадур, биласен. Бизнинг қисм кўп талафот кўрмади. Бошқаларда ҳам шундай, шекилли. Кечки йўқламада билурмиз, иншооллоҳ. Аксига олгандай, шул вақтда ечилганини қара, отилиб кетишимға сал қолди.

Биринчи аскар – Мен эрса қоронғуда танимай, бирортаси хужум қилдиму, деб ўйлабмен!

Иккинчи аскар – Ёруғда биров-бировни таниғани йўғу, қоронғуда ким кимни танирди? Таниғани бирлан ҳам кўрдинг-ку не бўлганини!? Бир-биримизни бекорға ўлдирдик, холос! Оббо, айил ҳам чирипти. Янгисини олиш керак.

Биринчи аскар – Айилни айтасен, тириклинга шукур қил! Бир-биримизни тирик кўриш ҳам бахт бўлиб қолди. Падариға лаънат ҳаммасининг, шаҳзодалар шул билан тинчирмикин энди?

Иккинчи аскар – Қайдам, энди тинчийди, шекилли, у ёғини яна худо биладур.

Биринчи аскар – Товба, товба, бошқа давлат, бошқа мамлакат билан жанг қилишни тушуниш мумкин. Қаршингдағи одам бегона, бунинг устиға, душманинг ҳисобланадур. Лекин ўзимиз билан ўзимиз уришаётганимизға сираям ақлим етмаётир. Бул шаҳзодалар ақлдан озғанга ўхшайдур! Тахт талашмай, Соҳибқироннинг васияти бўйича иш юритишса, ўлиб қолишадимму?

Иккинчи аскар – Ҳамма ишни шахзода Халил Султоннинг ўзи бузди! Мана оқибати нима бўлди? – деди Маннон Жасур бошини сарак-сарак қилганича, ачинган оҳангда.

Биринчи аскар – Халил Султон Мирзомизнинг амирлари ҳам ўлиб туришган эрканму дейман, Шоҳруҳ Мирзонинг номини эшитишлари биланоқ дарров таслим бўлишди-қўйишди. Энди ўзини нима қилишар эркин-а?

Иккинчи аскар – Қайдам, шахзода Шоҳруҳ Мирзога таслим этишар эрмуш. Балки кечирар.

Биринчи аскар – Шунча ишлардин кейин кечирармикин?

Иккинчи аскар – Мен бўлсам кечирмасдим.

Биринчи аскар – Шоҳруҳ Мирзо диндор одам, кўрасен, кечириси мумкин!

Иккинчи аскар – Билганини қилишсин!

Биринчи аскар – Бўлдингму, отга мин тезроқ, бориб улуфаларимизни олайлик! Бу сафар қанчадан улуш беришаркин? Олдинги галдагидай тўрт тангадан беришса, навбатга туришнинг ҳам ҳожати йўқ. Қуруғига уйқумиз харом бўладур.

Иккинчи аскар – Бу сафарги улуфанинг чўғи баланд. Айниқса, ҳазрати олийларининг навкарлари, яъни, мавкиби ҳумоюн йигитлари милқийдур!

Биринчи аскар – Шоҳруҳ Мирзо томонга ўтганлариму?

Иккинчи аскар– Худди шундай, Шоҳруҳ Мирзога байъат қилганлар бизнинг улуфамиздан ўн ҳисса ошиқ олишар эрмуш.

Биринчи аскар Дунёнинг эврилишини қаранг, раҳматлик Соҳибқирон сотқинларни жазолар эрди!

Иккинчи аскар– Булар ўзимизнинг сотқинлар-да! Лекин улуфани бугун беришмаса керак, боя ўнбошининг «улуфа тарқатишга кеч бўлди, дам олинглар, тегишларингизни эртага олурсиз», деган гапи қулоғимга чалинди.

Биринчи аскар – Унда янаям яхши! тўйиброқ ухлаймиз. Айтгандай, Халил Султон Мирзони қайси амирнинг йигитлари қўлга олишганини ўнбошимиз билибдирму?

Иккинчи аскар– Амир Бойтемир бирлан Худойдод Хусайнийнинг «илғор»ларими тутган эмуш!

Биринчи аскар – Туркман беги «шамол»нинг ови юрипти-да, унда!? Яхши, ўзиники ўзагини узибди!

Иккинчи аскар– Ўзиникиму, бегонаму, лекин бул фикр кимдан чиққан бўлса ҳам тўғри қилишган! Тахт васият бўйинча Пир Муҳаммад Мирзоники эрди. Уни Халил Султон ўлдиртирди, тўғриму! Ҳар ишнинг тошу тарозуси бўлгани каби, қилмишининг ажрини олғандур-да шахзода!?

Биринчи аскар – Кўз билан кўрмаганимиздан кейин бир нарса дейиш қийин, қулоқнинг гуноҳини олиб зарилму? Бу имиллашимизда, кечки емақдин ҳам бенасиб қоламиз!

Иккинчи аскар– Тўғри айтасен, бизга нима? Менга деса, бири ўлиб, бири қолсин!

(улар чиқиб кетишади ва парда очилади)

Ўн еттинчи кўриниш

Бошловчи - Пир Муҳаммад Мирзодек осонгина йўлдан олиб ташлаган Халил Султон Мирзо ўзига ҳам тузоқ қўйилиши мумкинлигини хаёлига келтирмаган эди. Болалигидан тарбиялаган, севимли аткаси бўлган, Худойдод Хусайнийнинг бирор бир ножўя ишга қўл уриши эса, етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Вазиятни ақл тарозисиди чамалаб кўрмаган шахзода шу зайл осонгина қопқонга тушди. Халил Султонни Самарқанд яқинидаги Шерозда қўлга олишди.

(Тун. Халил Султон ётоғи. Бир неча навкарлар кириб келади ва шахзоданинг қуро-яроғини олиб қўйишади.

Биринчи навқар шахзодани туртиб ўйғотади. Шахзода кўзини очса-да, дафъатан ҳеч нарсани англай олмайди.

Қурол-яроғи жойида йўқлигини англаб, атрофга кўз югуртиради. Қилич яланғочлаб, ҳужумга шай турган баҳодирларнинг бирортасиниям танимагач, кўнгли шумлик сезиб, сапчиб турмоққа чоғланади. Устига бургутдай ёпирилган йигитларни кўриб, бирдан бўшашади. Нима воқеа содир бўлганини англаб-англамай, тош қотади)

Биринчи навқар – Туринг, шахзодам! Фақат ўзингизни тутиб олишингизни сўраймен. Чунки беҳуда ҳаракат қилсангиз, бирор ерингизга шикаст етказишлари мумкин. Шулар боис, ҳар бир ҳаракатингизга эҳтиёт бўлинг!

Халил Султон – Кимсен? Кимнинг навкарисен?

Биринчи навқар – Амир Худойдод Хусайнийнинг навкаримен, шаҳзодам!

Халил Султон – Амир қаерда? Бул ишнинг оқибатини ўйлаб кўрдингизму? Буни амир жаноблари ўйлагандур!

(Бир-неча аскарлар билан Худойдод Хусайний кириб келади)

Халил Султон – Бул ишингиз номардлик! Эрлар бул тарзда ҳисоблашмайдилар! Тузим кўр қиладур, сизни! Кўр қилмаса, рози эмасмен, атка!

Худойдод – Биз аллақачон кўр бўлганмиз, шаҳзодам! Улуғ Амиримизнинг тузи ҳаммамизни аллақачон кўр қилмуш, шаҳзодам! Сиз эрса, эрлик, мардлик-номардлик борасинда уялмай гапирмоқдасиз! Сизнинг ишингиз мардликму? Сиз эркакчасиға иш тутдингизму? Ул чўҳра... Сизнинг фожиангиздур!

Халил Султон – Тилингга эрк берма, амир!

Худойдод – Бул не толеки, ул чўҳра барчамизға баб-баробар бахтсизлик келтурди! Бул ҳақиқатни сиз англамас эркансиз, ҳаётингиз маънисини ҳам тушуниб етмассиз! Фаришта шаклиға кирған ул илоннинг макр-ҳийласиға учиб, улуғ Амир бунёд этған мамлакатни, давлатни бой бермоқдасиз! Сизнинг кўзларингиз кундан-кунга нураб, таназзулға юз тутаётған юртни, минг бўлакка бўлинаётған элни эрмас, дўмбирасиға ўйнатаётған ўшал шайтони-лаинни кўрмоқда, холос! Қулоқларингиз унинг эркаловчи, аллаловчи, етти қават осмонларга ҳаволатувчи ёлғон-ёшиқ сўзлари бирлан банд!

Халил Султон – Амир менинг завжам, Турон юртининг маликаси шаънига бу қадар ифлос сўзлар айтмакдин кўркмасанг-да, андиша қил ва чучварани хом санама! Ҳар нарсани ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, баҳолама! Сенинг пойингда турғанам «Халил Султон бутунлай махв бўлди» деғани эрмас! Ҳали сен бирлан йигитчасиға гаплашадурғон вақт келадур, иншооллоҳ!

Худойдод – Сизни мен эрмас, муҳаббат аталмиш ўшал туйғунинг гўзал ва маккор соҳибаси махв этмиш, шаҳзодам! Балки кўзингизни кўр этған бул иллат менинг ҳам хатомдур! Чунки мен сизға ҳамма соҳадан таълим, тарбия, сабоқ берибману, лекин муҳаббат аталмиш ўшал туйғунинг икки юзи борлигини огоҳ этмабмен! Муҳаббатнинг биринчи юзи шундайки, ул ошиқнинг кўзиға нур, қалбиға кўр, билақлариға куч-қувват, ғайрату шижоат, тафаккуриға янгиланиш берадур. Ул ишқ йигитни марду майдонлар сафиға кўшадур! Унинг биринчи юзиға меҳр қўйған инсон йўлидан адашмайдур, чалғимайдур.

Халил Султон – Муҳаббат ҳақинда ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма, амир!

Худойдод – Мен нега гапирмаймен, шаҳзодам?! Менинг бирортадин кам ерим борму? Ёхуд севиш-севилиш фақат шаҳзодаларғагина равому?

Халил Султон – Мен бошқа маънода сўйлаётирмен!

Худойдод – Қай маънода сўзласангиз ҳам сўзимни охиригача, тингланг! Зеро, муҳаббатнинг иккинчи юзиға махлиё бўлғанлар, ўзлигини йўқотадур. Бор буди-шудини қиморға бой берған қиморбозлар каби ҳамма нарсасидан мосуво бўладур. Ўзи билмаған ҳолда, ўзи англаб етмаған алфозда савдойилик саҳросиға кирадур. Манзилиға элтар йўлидан адашиб, дунёнинг жамики эзгуликларини унинг алдамчи, шаҳвоний лаззатлариға алмаштирадур. Шаҳвоний лаззатлариға деған сўзимға урғу берурмен, шаҳзодам! Сизни муҳаббатнинг ана шул, иккинчи юзи махв этмиш. Агар муҳаббатингизға сазовор бўлған ўшал чўҳра сизға муҳаббатнинг биринчи, бетаъма юзи бирлан қарағанида эрди...

Халил Султон – Бонуни ҳақорат қилма, амир, ҳатто осмон қўлингда бўлса ҳам Чунки бул воқеаларға унинг заррача алоқаси йўқ!

Худойдод – Тушунмадим, унда, барча гумроҳликларнинг соҳиби ўзингизму?!

Халил Султон – Гумроҳлик деғанда нени назарда тутаётирсен, англамадим!? Очиқроқ сўйла, амир!

Худойдод – Ростдан ҳам билмайсизму? Унда сўзлай. Валиаҳдликка даъвонгизға, майли, кўз юмамен. Ҳар қалай, сизнинг салоҳиятингиз ҳам буни такозо этур эрди. Лек Пир Али Тознинг қўли бирлан шаҳзода Пир Муҳаммад Мирзодек беназир саркардани уйқуда қатл этдирмоққа қандай журъат этдингиз? Бошингизға балолар келғанида, сизни, ўшал «бону»нинг бирлан ўз уйида яширған, бошпана берған, бобонгиз ҳазратларидин «жони омонлик» сўраған жўмард инсонга, жон буржингиз бор шаҳзодаға, ўз оғангизға қайтимингиз шулму?!

Халил Султон – Шаҳзоданинг ўлиминда менинг заррача иштироким йўқ! Пир Али Тозни амирлик мансабиға кўтармағанам учун ул нонкўр, менинг даргоҳимға туфуриб, қўлини ювиб, қўлтиғига уриб кетганини ҳамма биладур!

Худойдод - Тўғри, Пир Али Тоз аразлаб кетди, лек кўйни-кўнжи олтину тиллоға тўлиб кетди! Буни билганлар бор! Керак бўлса исбот этишадур.

Халил Султон -Ул фожиа душманларнинг иши! Менға панд бермоқчи бўлганлар шул йўл бирлан мендин ўч олишди!

Худойдод – Кичик маликамизға берилган заҳар-чи, ёхуд уям душманларнинг ишиму?

Халил Султон – Йўқса, менму? Кичик волидамининг ўлимининг менга не наф бўлиши мумкун?!

Худойдод – Мен ҳам яқин-яқингача худди шундай фикрда эрдим. Лек ўн кун нарида бул фикрдин қайтдим. Чунки кичик маликани заҳарлаган ўшал канизақлардин бири, яъни бонуингизнинг яллагчи халфаси бибимиз ҳазратлариниям заҳарламоққа қасд қилган эркан. Яхшиямки, бонуингизға қўшуб, Шохруҳ Мирзонинг даргоҳига жўнатганимиз, йўқса, тавки лаънатнинг каттасига қолар эрдингиз!

Халил Султон (бакириб) – Бўлиши мумкин эрмас! Буларнинг барчаси тухмат, игво! Бибимизнинг душманлари тўқиб-бичган ғаламислик, бизнинг номимизни қора қилмоқ учун уюштирилган фитна!

Худойдод – Бибимизнинг душманлари кимлар? Бугунги кунда сеvimли бонуингиздин каттарок, ашаддийроқ душмани бормикин бибимизнинг?

(Чодирга кираётган Арғуншоҳга кўзи тушган Амир Худойдоднинг гапи бўғзида қолди.

Халил Султон кўллари орақасига қилиб олганича, бўсағада тўхтаб, ҳаммани бирма-бир кўздан кечириётган Арғуншоҳга юзини терс ўгирди. Арғуншоҳ айланиб ўтиб, унинг қаршисида тўхтади.)

Арғуншоҳ – Самарқанд дарбозаларининг калитини сўраганингиз пайт мен сизға нима деб эдим, шахзодам? Гап калитда бўлганида, мен сизға дунёнинг калитини берар эрдим, гап калитда ҳам, кулфда ҳам, дарбозаларда ҳам эрмас, ҳамма муаммо одамлар кўнглининг калитинда деб эрдим, эслайсизму?

Халил Султон – Менинг номардлар бирлан гаплашадурғон гапим йўқ! Мен номардлар билан ҳисоблашамен!

Арғуншоҳ – Албатта! Лекин вақт ва имкониятингиз бўлса!

Халил Султон -Кўйнимда илон асраганимни билсам эрди...

Арғуншоҳ – Мен ҳам, лек энди билсам, ҳаммамиз Соҳибқироннинг кўйнида ётқан илонлар эрканмиз, шахзодам!

Лекин илонларнинг бир феъли яхшики, тегмасанг, у ҳеч қачон сенга тегмайдур! Тегсанг, чақадур! Бизга тегиб, хато қилдингиз, шахзодам!!

Эшиқбон – Амир жаноблари! Оғангиз Оллоҳдоднинг чопари келмуш. Кирмоққа изн сўраётир!

Худойдод – Кирсун.

(Чопар ҳали нафасини ростлаб ололмаган, энтиқиб, хансирарди. У шахзодани кўриб, кўрқиб кетди шекилли, остонадаёқ, ранги қув ўчганича, бир лаҳза серрайиб қолади)

Худойдод – Сўйла!

Эшиқбон – Кўксарой, Конигил, хуллас, тамоми Самарқанд мулки илкимизға ўтди. Амиримиз Оллоҳдод жаноблари шахзодаи жувонбахт, Хоқони Саид Шохруҳ Мирзо ҳазратлари томонидин юборилган чопар ва элчини Кўксаройға элтдилар ва сизнинг келмоғингизга мунтазирдурлар!

Худойдод – Ҳозир борамен!

(Худойдод шахзодага орқа ўгириб, чопарга ниманидир ишора қилади ва ташкарига чиқади.

Чироқ аста –секин ўчади)

Ўн еттинчи кўриниш

(Абу Бакрнинг чодирини. Икки йигит Шод Мулкнинг кўллари қайириб чодирга олиб киришади. Чодир катталиги учун ўртага қўйилган шамнинг ёруғи атрофни хирагина ёритиб туради)

Икинчи йигит - Маликани бу аҳволда кўришса...

Норгул йигит - Шод Мулк энди малика эрмас, кўрқма.Халил Султон ҳам ҳозир Худойдод Хусайнийнинг қўлинда, хибсада.

Икинчи йигит - Буни эрса, шаҳзода Шохрух Мирзонинг хузурлариға элтаётгирмиз-ми?

Норгул йигит - Маликанинг тақдири амоллари энди ул ҳазратнинг ихтиёрида...

(Бир чекада ётган Шод Мулкнинг негадир жимиб қолганини кўриб, икки аскар йигит унинг олдиға келишади)

Норгул йигит – Ўлиб қолмадимикин ишқилиб?

Икинчиси – Йўғ-ей, нафасингни иссиққил!

(Хавотирланган йигитлар Шод Мулкни жон-жаҳдлари билан силкилашади. Шод Мулк чиндан ҳам хушидан кетган эди.

Норгул йигит – Бунинг тиригидан ўлиги қиммат!

Икинчиси - Астағфуруллоҳ, ўпкангни бос, ана нафас олаётгир,хушидан кетган шекилли! У ёқ-бу ёғини чимдилаш керак! Менинг бибим хушдан кетганларни шундай қилиб, ўзиға келтирар эрди.

Норгул йигит – Кўй-ей, бирор жойини кўкартириб, амирдан балоға қолмайлик яна! Уни амир кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтирибди-ю!

Икинчиси – Малика илгари амир Сайфиддинники эканлиғида, Абу Бакр бек билан «ош-қатик» бўлишган эканму?

Норгул йигит – Эшитмаган балонг йўқ-а? Тешик қулоқ эшитмайдиму?!

(Чодир томондан келган шовур йигитларнинг суҳбатини бўлади. Шод Мулк хушиға келгач, кўзи тушган биринчи одами Абу Бакр бўлди.Абу Бакр унинг бошиға эгилган кўйи, ўйга чўмганича тиззалаб ўтирар, киприклари ялтирашидан кўзлари ёшланган эди.Қувониш ўрниға юраги орқасиға тортиб кетган Шод Мулк беихтиёр сапчиб ўрнидан турмоқчи бўлади. Лекин танаси ўзиға бўйсунмаади. Ерга таянган тирсақлари қалтираб, боши шилқ этиб ёстикқа тушади)

Абу Бакр – Худоға шукур, кўзинғизни очдингиз! Яна бирпас ётинг, бону, сиз бетобсиз!

(Шод Мулкнинг вужуди сесканиб, бармоқларини мушт қилганича, билагини амирнинг панжаларидан айиради).

Шод Мулк - Тегманг!

Абу Бакр – Хотиржам бўлинг, бону! Табибимиз тинчланишингизни ва бирпас ором олишингизни тайинлаб эрдилар! Шул боис...

Бошловчи - Абу Бакр ҳар лаҳза хаёлида, вужудида яшаётган ва қачонлардир ўзиники бўлишини умидворлик билан кутаётган севгилисидан бир умрга айрилганини, орзулари пучга чиққанини, умидлари саробға дўнганини бирдан англаган ва ана шу аччиқ туйғудан кўкси ачиб, изтироб олови бутун вужудини зиркиратмоқда эди.

Шод Мулк – Мени ҳазрати олийларининг ёнлариға олиб боринг.Мени... бул нодон бонунгизни авф ётинг, Абу Бакр оға, гарчанд, кечирмасликка ҳаққинғиз бўлса-да! Чунки мен сизға кўп жабрлар етказдим...

Абу Бакр – Бону, қўлға олинғанидин хабарингиз йўқму?!

Шод Мулк – Қўлға олинди? Халил Султон Мирзому?! Ким қўлға олди, Худойдодму?!

Абу Бакр – Энди бунинг аҳамияти йўқ! Шаҳзодамизни не жин урди билмаймен, лек, барча дўстларини ўзи душманға дўндирди!

Шод Мулк – Дўстлари ўшал Худойдодму? Аларнинг барчалари (ялинчоқ оҳангда) – Абу Бакр оға! Бул бахти қаро бонунгизни ноумид ётманг! Мени шаҳзодамиз хузурлариға қайтаринг! Хизматларингизни қуруқ қўймасмен! Истағанингизча, қўнглингизға сикқунича молу дунё берурмен! Хоҳласангиз, яна шаҳзодамизнинг энг яқин одами бўлурсиз!

Абу Бакр (кетётиб) – Шаҳзодамиз бирлан йўлларимиз айро тушғаниға анча бўлган, бону! Энди бул йўлларни ҳеч ким, ҳеч қандай куч ва ҳеч қандай бойлик туташтира олмайду!

Шод Мулк (ялиниб) – Мени ташлаб кетманг! Ёлвораман!(қичқириб) Соткин! Хамманг соткинсанлар!

(чирок аста-секин ўчади)

Ўн саккизинчи кўриниш

Бошловчи - Амир Абу Бакр орқага қайтарган чопарлар Кўксаройга етиб келганларида, саройни аллақачон Шохруҳ Мирзонинг лашкарлари эгаллаб олишган, нима воқеа содир бўлганини ҳатто англолмай қолган хизматчи-ю қароллар худди осмондан тушгандай, тўсатдан бостириб кирган амир Шох Малик бошлиқ навкарларга хизмат қилишмоқда эди. Кечадан бери бетоб ётган Бибихонимни Шох Малик зудлик билан Кўксаройга, улуғ Амирнинг ётоқхонасига олдирди. Шох Малик хузурига кирганида Бибихоним ётган тўшакдан маликанинг гавдаси деярлик, кўринмасди.

(Кўксарой саройи. Амирнинг ётоқхонаси)

Шох Малик – Урунтирганим учун узр тилармен, бибим, оллоҳим шифо берсун! Лек сахар йўлга тушмоғим зарурлиғи боис, сизни зиёрат этмасдин кета билмадим, боиси, Улуғбек Мирзо сизга йўллаган мактубни ўз қўлингизга бермоғимни тайин этиб эрдилар, шул боис...(қўлидаги қоғозни Сулув бикага беради).

Бибихоним – Ташаккур... Оллоҳ сиздин... рози бўлсун, амир! Улуғимнинг ўзлари омонму? Шохруҳ мирзом...

Шох Малик – Яратганга шукурлар бўлсун, барчалари омон-эсон! Шаҳзодаи жувонбахт Улуғбек Мирзо бирлан эрта-индин юз кўришмоғингиз ҳам насиб этур. Бугун Афсонага келибмишлар. Сахар жўнашимнинг боиси шундин. Ўзим кутуб олиб, хузурингизга келтирурмен, бибим!

Бибихоним – Иншооллоҳ!

Шох Малик – Амир Худойдод, Оллоҳдод, Шайх Нуриддину Ҳамза Сулдузларнинг қисматларини эшитгандурсиз. Барчалар жонлариға жабр қилдилар.

Бибихоним – Эшитдим, оллоҳ раҳматига олсин аларни! Туман Оғо бирлан Рухпарвар Оғолар омонми?

Шох Малик – Барчалари соғ-омон. Саиди хоқон хузурлариға йўлчи этдим аларни. Сизни чарчатмаслик учун ортикча сўзламасмен, бибим. Қолган тафсилотларни эшитган чиқарсиз. Оллоҳ насиб этса, шаҳзодамиз юзингизни ёруғ этур! Сизга яратгандин шифо сўраймен! Табиблар «бибимиз икки-уч кунда оёқланур», дедилар. Насиб этса, шаҳзодаи жувонбахт Улуғбек Мирзонгизни ўзингиз кутуб олурсиз!

Бибихоним – Омин...

Шох Малик – Сизни оғуламоққа уринган канизакни эрса, ернинг остинда бўлса ҳам топдириб, жазосини берурмен, бибим, ташвиш чекманг! Мана шул қўлларим бирлан ўзим бўғиб ўлдирамен!

Бибихоним – Астағфируллоҳ... Менинг ҳеч кимдин гумоним йўқдур... Бул қазои қисмат... Бир бечораға жабр этмангиз... Зеро, кўрганларим... чекканларим... ул захардин аччиқрок, оғудин заққумрок, аслинда...

Шох Малик – Тўғри сўйларсиз, бибим..

Бибихоним – Амир... Улуғим бирлан дийдорлашмоққиёматға қолса...

Шох Малик – Ёмон ният қилманг, бибим! Худо хоҳласа, узоғи бирлан индин, пешинға қолмай юз кўришурсиз!

Бибихоним – Омин! Лек... Янаям оллоҳ билгувчидур! Улуғимнинг кутубхонаси воқеасидин хабардор бўлгандурсиз!

Шох Малик – Сўйлашди, бибим! Бобо Турмуш уни катта хазина эвазиға шомлик бир савдогарга сотиб эрмуш. Махфийларнинг хабариға кўра, савдогар ҳали китобларни олиб кетолмаган. Зудлик бирлан махсус одамлар тайин этдим. Худо хоҳласа, эрта-индин улар яхши хабарлар келтиришадур, бибим! Фақат... Ҳазрати Усмон қурьони борасинда бирор билги беришолмади...

Бибихоним - Ҳазрати Усмон қурьони ишончли қўлларда, амир. Улуғим Самарқандға келган кун уни шаҳзодамнинг қўллариға топширишадур!

Шох Малик – Оллоҳга шукур! Энг қувончли муждани сиз айтдингиз, бибим! Бул хабар яхшиликдин нишона! Иншооллоҳ, демак, шаҳзодамизнинг ташрифлари янада хайрли бўладур!

Бибихоним – Улуғ Мирзом бирлан бўлган бир суҳбатимизда, «Улуғим, бул фоний дунёда бир армоним қолмоқда, ажодларим, яъни, тўрт улусимиз тўғрисида бирор бир ёднома ҳам битдира олмадим десам, «Бибим, улғайсам, ўшал тўрт улусингиз ҳақинда ўзим тарих талиф этурмен» деб эрди...

Шоҳ Малик – Кўнглингиз тўқ бўлсин, бибим, сўзларингизни оқизмай-томизмай, албатта етказурмен! Сиз эрса бардам бўлунг! Душманларга енгилмаган танингиз, дардга бўй бермасун!

Бибихоним – Ҳаммангизни оллоҳнинг паноҳига топширгаймен! Йўлингиз бехатар бўлсун, амир!

(Шоҳ Малик кўзларига ёш қалқиб, бир лаҳза жим қолди. Сўнг, Сулув бикага маъноли имо қилганича, ётоқхонадан чикани ортидан аёлларнинг “Доод!” солган овозлари сахнани ларзхага солади.

Чирок аста—секин ўчади ва парда ёпилади.)

ТАМОМ